

Одилжон
Абдуллахонов

ДИНИЙ
АҚИДАПАРАСТЛИКНИНГ
КЕЛИБ ЧИҚИШИ,
МОҲИЯТИ ВА
ЎЗБЕКИСТОНГА
КИРИБ КЕЛИШИ

УЗБЕҚИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ
ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИ АКАДЕМИЯСИ

Одилжон АБДУЛЛАЖНОВ

ДИНИЙ АҚИДАПАРАСТЛИКНИНГ
КЕЛИБ ЧИҚИШИ, МОҲИЯТИ ВА
ЎЗБЕКИСТОНГА КИРИБ КЕЛИШИ

Тақризчилар: тарих фанлари доктори, профессор
ТИЛЛАБОЕВ Р. А.

фалсафа фанлари доктори, профессор
СОИФНАЗАРОВ И. С.

Китобда диний ақидапарастлик ва унинг кўринишларидан бўлган ваҳҳобийликнинг келиб чиқиши, моҳияти, Ўзбекистонга кириб келиши тўғрисида сўз юритилади. Китоб содда тил билан ёзилган. У лицей ва коллежлар, умумтаълим мактабларининг юқори синф ўқувчилари, олий ўқув юртлари талабалари ва диншуносликка қизиқувчи барча китобхонларга мўлжалланган.

2850621

Босмахонага берилди 20.01.2000. Босишига рухсат этилди 26.01.2000.
Бичими 60×80^{1/16}. Нашриёт ҳисоб табоги 4,25. Адади 6500.
Буюртма № 154. Баҳоси келишйлган нархда

АҚИДАПАРАСТЛИК ҚУРИНИШЛАРИ

Ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларида: ўқиш, меҳнат қилиш, илмий, сиёсий фаолият, диний эътиқод ва бошқаларда одамлар маълум қоидаларга таяниб ҳаракат қиладилар. Қонда воқеликдаги бирор ҳодисани ўрганиш, билиш учун йўриқ бўлса, ақида ана шу йўриқнинг мутлақлаштирилишидир. Фақатгина чекланган соҳада қўл келиши мумкин бўлган қоидаларни мутлақлаштириб бошқа соҳаларга ҳам ёйиш фойда ўрнига заар келтириши мумкин. Қоидалар қўлланилиши мумкин бўлган соҳани сунъий тарзда кенгайтириш эса бир қатор сабаблар туфайли амалга оширилади.

Шулардан бири ва биринчиси ўша қонда имкониятларига ортиқча баҳо беришдир. Масалан: биологияда эволюция назариясининг яратилиши улкан ҳодиса эди. Лекин қанчалик катта аҳамиятга молик бўлмасин, у фақат биологик турларнинг келиб чиқишини изоҳлашга қаратилганди. Бу назариянинг баъзи тарафдорлари эса унга ортиқча баҳо бериб юборишли ва ижтимоий ҳаёт моҳиятини ҳам унинг ёрдамида изоҳламоқчи бўлишди. Оқибатда социал-дарвинизм номли заарли назария пайдо бўлди. Дарвин таълимоти биология фани ривожи учун қанчалик ижобий таъсир кўрсатган бўлса, социал дарвинизм ижтимоий ҳаётда шунчалик реакцион рол ўйнай бошлади. Пашибаларнинг, итларнинг, мушукларнинг, сигирлар ва бошқа парранда-ю даррандаларнинг келиб чиқишини тўғри изоҳлаб берниши мумкин бўлган таълимотни одамларнинг ўзаро муносабатлари ва жамият тараққиётини тушунтиришга нисбатан қўллаш мумкин эмасди. Дарвиннинг ўзи ҳам бунга даъво қилмаган. Шундай қилиб, дарванистлар биологик қонунни бутун олам, жумладан, ижтимоий тараққиётни тушунтириб бера оладиган ақидага айлантироқчи бўлишди.

Сиёсий соҳада ҳам фақат ўз фикрини тўғри деб, бошқалар фикрини писанд қилмаслик ақидапарастликнинг бир кўринишидир. Қўҳна тарих бундай ақидапарастликнинг мудҳиши оқибатларига кўп марта гувоҳ бўлган. Бундай ақидапарастлар қадимги даврда ҳам, ўрта асрларда ҳам бўлган, афсуски, XX асрнинг сўнгги йилларида ҳам бор.

Қадимги дунёдаги энг машҳур ақидарапастлардан бири Рим қайсари Нерон эди. Нероннинг энг асосий ақидаси эса, ҳокимият барча нарсадан азиз, уни қўлга киритиш ва сақлаш учун ҳар қандай усул ва воситадан фойдаланиш лозим, деган шиорлар эди. Ҳокимиятни қўлга киритиш учун у ўша

шиорларга изчил амал қилди — бир қатор яқин кишиларини, жумладан, ўз онаси Агриппинани ҳам ўлдирди. Ҳокимият төпасига келгандан кейин әса, уни сақлаб қолиш учун яна күп яқынларини, жумладан, устози Сенекани ўлимга буюрди.

ХХ асрда сиёсий ақидапарастлик фашистлар ва коммунистлар фаолиятида намоён бўлди. Бир-бирин билан кураш олиб борган бу икки даҳшатли куч ўртасидаги умумийлик ҳокимиятни эгаллаш ва сақлаб қолиш учун ҳар қандай воситадан, пасткашлик ва ёвузликлардан қайтмаслик эди. Улар ўртасидаги асосий тафовут фашистларнинг очиқ террорга таяниши, коммунистларнинг әса ўзлари фойдаланаётган террорни ниқоблашга уринишларида эди. Бу икки машъум кучнинг ҳар бири миллионлаб, ўн миллионлаб одамларнинг қирилиб кетишига сабаб бўлди.

Йлмий хулосаларни ақидага айлантириш нақадар заарали эканини шўролар даври фани мисолида ҳам кўриш мумкин. Собиқ Йттифоқдаги табиий фанлар ривожига 30—40-йиллар давомида катта таъсир кўрсатган Вильямс назарияси, Тимириязев назарияси, айниқса, И. Сталиннинг бу борада баён қилган «доно» фикрлари мутлақ ҳақиқат даражасига кўтариб қўйилди. Бу «доно» назарияларга бир оз бўлса ҳам мос келмайдиган фикрлар фандан қувиб чиқарилди ёки сохта назария деб эълон қилинди. Бундай ёндошув кўп ўтмай ўз маҳсулини бера бошлади. Табиий фанлардан генетика, кибернетика сингари энг замонавий соҳалар «сохта буржуа назариялари» деб эълон қилинди ва улар 30—40-йиллар давомида шўро алломалари томонидан тан олинмади. Бу эса, шўролар даврида нафақат табиий фанларнинг, балки мамлакат иқтисодининг ҳам Farb мамлакатлари иқтисодидан неча йиллар орқада қолиб кетишига асосий сабаблардан бири бўлди.

Ижтимоий фанлардан социология, ижтимоий психология каби соҳалар ҳам Маркс, Ленин ва Сталинларнинг «доно» таълимотларига монанд бўлмаганлиги учун сохта фанлар жумласига киритилди.

Гапнинг сирасини айтганда, бу фанларни чуқур ўрганиш ва амалга татбиқ қилиш мавжуд тузумнинг афзалликлари тўғрисида яратилган назарияларнинг мисини чиқариб қўярди. Айтайлик, 50—60 йилларда кенг миқёсда ва әркин социологик тадқиқотлар ўtkазилганда, тузумнинг ҳақиқий башараси очилиб қоларди.

«Доно» таълимотларни ўрганган шўро жамиятшунос олимлари мадҳиябозликдан нарига ўтмадилар. Улар яратган

назарияларнинг энг олий мақоми «ривожланган социализм» назарияси бўлди. Социализм хаёлий таълимот, дарёдаги кўпик эканини тарих кўрсатди. Ривожланган социализм назарияси эса кўпикнинг кўпиги бўлиб чиқди. Уни жуда қисқа вақт ичидаги барча одамлар унугиб юбориши. Узини ривожланган социализм назарияси бўйича аллома деб билган олимлар эса тезликда мусиқани ўзгартириб, ўзларини сиёсанунос, социолог ёки политолог каби номлар билан атай бошлидилар.

Ақидапарастликнинг кенг тарқалған кўринишларидан бирин диний ақидапарастликдир. Агар диний ақидапарастлик у ёки бу динни ёхуд мазҳабни ҳақиқий, бошқаларини ноҳақиқий дейиш билан чекланганда эди, унинг оқибати, нари борса, даҳанаки жанжал билан тугарди. Лекин диний ақидапарастлар бу билан чекланмайдилар. Улар фақат ўзларини энг тўғри йўлдан бораётган диндор дейиш билан бирга, бошқаларни йўлдан озганлар, деб эълон қилишади. Лекин бу билан ҳам чекланишмайди. Улар «йўлдан озганлар»ни ўз мазҳабларига ўтказиш учун ҳарәкат қиласидилар. Мабодо, «йўлдан озган»лар бунга кўнишмаса, уларни йўқ қилишга уринишади.

Оддий диндорлар бошқа дин, мазҳаб вакилларини камситмаган ҳолда тоат-ибодат билан шуғулланишса, ақидапарастлар ўзлари тўғри деб ҳисоблаган ақидага қўшилмайдиган ҳар қандай диндорни кофир деб эълон қилишади.

Ақидапарастликнинг юқорида зикр этилган турларидан бошқа кўринишлари ҳам кўп. Лекин санаб ўтилган кўринишларнинг ўзи ҳам ақидапарастлик турлари учун умумий хусусиятларни аниқлаш имконини беради.

Улардан аввалгиси хусусий қоидаларни умумий қонунийят сифатида талқин қилишdir. Бу ҳол ақидапарастларни майдонга келтирадиган назарий ҳолатdir.

Ақидапарастликка хос бўлган яна бир хусусият муросасизликдир. Агар ақидани бошқаларга тарқатиш учун мунозарада иштирок этаётган шахс ҳақиқатни билишини ўз олдига мақсад қилиб қўйганда эди, у ақидапараст бўлмас эди. Лекин у бундай мақсадни хаёлига ҳам келтирмайди. Унинг назаридаги фақатгина ўзи ҳақ, бошқалар эса мутлақо ноҳақ. Шунинг учун ўзида мавжуд бўлган «ҳақиқат»ни бошқаларга ёймоқчи бўлади. Лекин соғлом фикр юритувчи рақиблар бунга кўймаса, у зўрлик билан бу фикрни мухолифларига ўтказмоқчи бўлади. Қарабисизки, илмий, сиёсий ёки диний муҳозара росмана жангга айланиб кетади.

Ақидапарастликка хос яна бир мұхим белги унинг сиёсийлашувидир. Ҳар қандай ақидапарастлик изчил ривожлантирилса, албатта, сиёсийлашиб кетади. Беозоргина күринган Тимирязев назарияси ёки Дарвин таълимоти ақидага айланғандан кейин минглаб ва миллионлаб одамларнинг ёстиғи қуришига сабаб бўлади.

Тарихга бир назар ташланса, ҳар қандай ақидапарастлик ҳам сиёсийлашганини ёки аввал бошдаёт сиёсий мақсадларни кўзлаб майдонга чиққанини кузатиш мумкин.

АҚИДАПАРАСТЛИК МАНБАЛАРИ

Дунё динларининг барчасида ҳам диний таълимотни замонга мослаштириш, ислоҳ қилишга уриниш билан бир қаторда ақидаларни ўзгаришсиз, аслидагидай сақлашга уринишлар бўлган. Шундай йўналишлар ислом динида ҳам мавжуд. Бу йўналишлар турли мамлакатларга турли мутаносибликда, турли миқёс ва даражада тарқалган. Ақидапарастлар диний ақидаларни ўзгартириш учун қилинган ҳар қандай уринишларга қарши кураш олиб боришган. Лекин уларнинг ўзлари турли даврларда турлича ўзгариб турганлар.

Ақидапарастликни таҳлил қилиш, аввало, «ақидапараст» атамаси ва унга яқин, турдош тушунчаларнинг маъно доирасини аниқлашни тақозо қиласди. Ҳозирги кунда «ақидапараст» тушунчаси «фундаменталист» атамасининг таржимаси сифатида ва унга параллел тарзда, синоним сифатида ишлатилмоқда. Аслида, бу тушунчалар ўртасида умумийлик билан бирга ўзига хос жиҳатлар ҳам бор:

«Фундаментализм» атамаси диншунослик ва илоҳиётшуносликда XX аср бошларида пайдо бўлди. Бу сўз даставвал христиан динида юз берабётган янгиланишга қарши, бу динни асл, қадимги ҳолига келтириш учун уриниш бошлаган оқимга берилган ном эди. Атама сифатида эса XX асрнинг 20-йилларидан бошлаб кенг истифода этила бошлади. Чунки худди шу даврдан бошлаб Инжилнинг мутлақ тўғрилигини ҳимоя қилувчилар билан уни янгича талқин қилишга, замонга мослаштиришга уринувчилар орасида мунозаралар кучайиб кетган эди. Кейинчалик бу атама бошқа динлардаги, жумладан, яҳудий, будда ва ислом динидаги баъзи оқимларга нисбатан ҳам қўлланила бошлади. XX аср бошларида факат христиан динидаги оқимларга нисбатан қўлланган бу атама XX аср охирида, асосан, ислом динидаги оқимларга нисбат берила бошлади. Бунинг сабаблари тўғрисида қўйроқда баҳс юритилади.

«Ақидапараст» атамаси эса маъно жиҳатидан «фундаменталист» тушунчасига яқин бўлса ҳам, улар ўртасига тенглик аломатини қўйиб бўлмайди. Ақидапарастлик муайян шароит, вазият ва сабаблар натижасида шаклланган қоида ва тартибларни бошқа шароит, ҳолат ва вазиятнинг хусусиятларини ҳисобга олмай қўллашга уринишни англатади. Бу атаманинг қўлланиши доираси ҳам «фундаментализм» тушунчасиникига иисбатан кенгроқ бўлиб, фақат диншуносликда эмас, илм-фан ва сиёсатшуносликда ҳам қўлланилди. Илм-фандада бу атама фақат салбий маънода қўлланилиб, у ёки бу олим ёхуд оқим томонидан кашф этилган қонун ва қондалар таъсир доирасини сунъий равиша кенгайтиришга уринишни англатади.

Фан тарихи турли даврларда мавжуд эҳтиёж ва имкониятлар таъсирида фаннинг у ёки бу соҳаси тез ривожланганидан гувоҳлик беради. Масалан, XVII—XVIII асрларда меҳаника, XIX аср бошларида биология, XIX аср охирида физика фанлари тез ривожланди. Бу фанлар қўлга киритган ютуқлардан ортиқча илҳомланиб кетган баъзи олимлар шу ютуқларни фан ва ижтимоий ҳаётнинг турли соҳаларига тадбиқ қилмоқчи бўлдилар. Масалан, меҳаникада қўлга киритилган улкан ютуқлар баъзи олимларда оламдаги барча ҳодисаларни, жумладац, биологик ва ижтимоий ҳодисаларни ҳам меҳаника фани ютуқлари асосида изоҳлаш мумкин, деган холосага олиб келди. Ҳаттоқи, одамни ҳам улар бир меҳанизм сифатида тавсифлай бошладилар.

Биология соҳасида қўлга киритилган ютуқлар, хусусан, Дарвин таълимотининг кашф этилиши, баъзи олимларда биология қонунлари универсал хусусиятга эга, деган тасаввур, марни келтириб чиқарди. Улар ижтимоий ҳаёт ҳодисаларини ҳам эволюция назарияси ёрдамида изоҳлаш мумкин, деган бошладилар. Бу эса, моҳият-эътибори билан мутлақо нотўғри назария эди.

Шўролар даврида ижтимоий фанлар соҳасида Маркс ва Ленин таълимотининг якка ҳукмрон бўлиши ҳам фалсафий ақидапарастликнинг ашаддий кўринишларидан эди. Бу даврда Маркс ва Ленин таълимотига озроқ бўлса ҳам мос келмайдиган назарияларнинг барчаси ғайри илмий, деб эълон қилинди. Оқибатда, алоҳида назарияларгина эмас, фаннинг бутун бошлиқ йўналишлари ҳам инкор этиб келинди. Социология, ижтимоий психология, кибернетика, генетика сингари замонавий фан соҳалари узоқ вақт тан олинмади. Бу эса

шўроларнинг нафақат назарий соҳаларга, балки амалиёт ва иқтисодиётга ҳам салбий таъсирини кўрсатди.

Диний ақидапарастлик эса у ёки бу диндаги муайян қоидаларнигина эътироф этиб, бошқаларини инкор қилиш, уларни ўринли ва ўринсиз қўллашга интилишдир. Барча динларда ҳам ақидапарастлар турли мазҳаб ва йўналишлар орасида таранглик, низолар ва тўқнашувлар келиб чиқишига сабаб бўлишган.

Ислом динида ҳам турли оқим ва йўналишлар доирасида ақидапараст гуруҳлар бўлган. Шу билан бирга, баъзи диний оқимлар ҳам бўлганки, уларнинг таълимоти тўлалигича ақидапарастлик негизига қурилган. Баъзи оқимларда эса ақидапарастлик устуворлик хусусиятига эга. Ана шундай оқимлардан бири ваҳҳобийликдир.

Исломдаги ақидапарастлик бу дин оламга ёйила бошланган, дастлабки асрлардаёқ пайдо бўла бошлаган эди. Аммо бу оқим бир неча асрдан кейин уюшган бир куч сифатида майдонга чиқди. XVIII асрдан бошлаб эса ақидапарастлик нинг кўринишларидан бўлган ваҳҳобийлик оламга тарқала бошлади. XX асрнинг сўнгги чорагида бу оқим бир қатор мамлакатларда, жумладан, МДҲга аъзо мамлакатларда ҳам барқарорликка таҳдид кола бошлади.

Ақидапарастлик туғдираётган ҳавф тўғрисида И. А. Каримов ўзининг «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида» китобида шундай ёзади: «Ўзбекистоннинг мустақиллигини мустаҳкамлаш, унинг ҳавфсизлигини таъминлаш нуқтаи назаридан қараганда, бу ҳодисалар бизда ҳам жиддий ташвиш туғдирмоқда» (Қаранг: И. Каримов. Ўзбекистон XXI аср бўсағасида. Ҳавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари. Т. 1997 йил, 34-бет).

Миллий мустақилликка, ижтимоий-сиёсий барқарорликка таҳдид солаётган ана шу ҳодисанинг моҳиятини тўлароқ тушуниш учун унинг тарихини, келиб чиқиши сабабларини билиш тақозо қилинади. Бунинг учун эса ислом дини тараққий этиши ва тарқалиши тарихига бир назар ташлаш лозим.

Христиан дини дастлаб кичик гуруҳлар, мазҳаблар, секулар тарзида вужудга келиб, кейин уларнинг умумий диний таълимотга бирикиши асосида шаклланган бўлса, ислом динида бунинг акси юз берди. Ислом яхлит таълимот шаклида вужудга келди ва кейинчалик у турли мазҳаблар, оқимлар, сулукларга бўлинниб кетди. Янги вужӯдга келган мазҳаб ва оқимларнинг кўпчилиги бир-бирига ҳурмат билан қараб келди. Масалан, суннийлик оқимиға мансуб ҳанафия, ханбалия,

моликия ва шофеъия мазҳабидаги мусулмонлар, уламолар бир-бирларини танқид қилмайдилар. Улар асрлар давомида ўзаро ҳурмат ва иноқликда яшаб келдилар. Лекин бу мазҳабларнинг баъзилари таркибида шундай оқим ва ҳаракатлар вужудга келди, улар халқлар, мамлакатлар осоишишталигига раҳна сола бошладилар. Бундай уринишлар, кўпинча, ақидапарастлик шаклида намоён бўлди. Ислом ақидапарастлиги яхлит бир оқим бўлмай, турли кўринишларда намоён бўлади. Уларнинг барчаси бир ном билан аталишига сабаб эса улар ўртасидаги умумийлик, яъни исломнинг вужудга келган давридаги шаклини сақлаб қолишга интилиш, атроф-муҳит ва жамиятда юз берадиган ўзгаришларни хисобга олмаслиkdir.

Ақидапарастликни дунёга келтирган сабаблардан бири шу эдики, жамиятда юз берадиган ўзгаришлар, янгиликлар ва уларга мос равишда диний тасаввурларнинг ўзгариши ҳаммага ҳам маъқул келавермасди. Ана шу ўзгаришлар ва янгиликларга қарши кураш олиб борган кишилар ҳақиқий мақсадларини ниқоблаш учун ўзларини диннинг соғлиги учун курашаётган кишилар қилиб кўрсатгандар. «Ақидапараст» атамаси ҳам шундан олинган бўлиб, у дастлабки диний ақидаларнингина тан олувчиларга ниҳбатан қўлланилади. Шуни ҳам таъкидлаш лозимки, ақидапарастлар турли динларда ва улардаги турли мазҳабларда ҳам бўлган. Масалан, ислом динидаги турли мазҳабларда ҳам ақидапарастлар мавжуд. Лекин шаклланган, уюшган оқим сифатида ақидапарастлик фақат муайян кўринишларгагина эга.

Ақидапараст оқимлардан бири ваҳҳобийлик номи билан аталади. Бу оқим тўғрисида И. Қаримов шундай ёзади: «Турғунлик, танглик ва жамиятнинг парчаланиш йилларида ажнабий ваҳҳобийликнинг оммага ёқиш йўлидаги уринишлари адолатни юзаки тушуниб тарғиб қилишда ҳамда зеб-зийнатдан ва манфаатпарастликдан воз кечишини эълон қилишда намоён бўлмоқда. Афсуски, бундай даъватлар Марказий Осиёнинг айрим минтақаларида яқин ўтмишда ва ҳозирги кунларда ҳам кенг ёйилди ва қўллаб-қувватлаб келинди» (Бояги асар, 42-бет).

Ақидапарастликнинг кенг тарқалган кўринишларидан бири бўлмиш ваҳҳобийлик ханбалий мазҳаб таркибида шаклланди. Унинг моҳиятини чуқурроқ тушуниш учун ханбалий мазҳаб тўғрисида, ҳеч бўлмаса, умумий тасаввурга эга бўлиш керак. Ваҳҳобийликнинг ханбалий мазҳабдан ўсиб чиқиши тасодифий эмасди. Бунга XVIII аср бошларидаги тари-

хий мұхит ва ханбалий мазҳаб ақидаларидағи үзігі хослик-лар сабаб бўлди.

Юқорида зикр этилган суннийлик оқимидағи тўрт йирик мазҳабдан бири бўлган ханбалийликнинг асосчиси Аҳмад ибн Ханбалдир. Бу диний арбоб ҳақидаги маълумотлар унинг жияни Ханбал ибн Исҳоқнинг «Табақот-ул-ханабила» китоби орқали бизгача етиб келган.

Аҳмад ибн Ханбал 780 йилда Бағдод шаҳрида туғилган. Баъзи маълумотларда қўрсатилишича, у Марказий Осиёда, Марв шаҳрида туғилган. Лекин тарихий тадқиқотлар унинг Бағдодда туғилганини тасдиқлайди. Уни Ўрта Осиёда туғилган деб қўрсатилишига сабаб эса, онаси марвлиқ бўлиб, ҳомиладор ҳолатда Бағдодга борганида экан.

Аҳмад ибн Ханбалнинг отаси аббосий халифаларнинг Хурсондаги кўзга кўринган лашкарбошиларидан бири бўлган. У арабларнинг шайбои қабиласидан бўлиб, Ўрта Осиёдан Бағдодга қайтиб боргач, орадан кўп ўтмай вафот этади.

Ибн Ханбалнинг диний арбоб сифатида шаклланишида унинг ўқиши даври мұхим рол ўйнаган. У 795 йилда, яъни 15 ёшида пайғамбар ҳадисларини жиддий ўргана бошлайди. Бу даврда ҳадисларни маҳсус ўрганувчи диний фан — илм-ал-ҳадис — шаклланаётган бўлиб, ҳадислар турли томондан тадқиқ қилинаётган, Қуръонга зид келиб қолган ҳадислар китоблардан чиқариб юборилаётган пайт эди. Ибн Ханбал ҳадисларни чуқур биладиган йирик фикҳ олимни бўлиб етишишида унинг дастлабки устози мұхаддис Хушайм ибн ас-Суломийнинг хизмати катта. Ибн Ханбал унда 6 йил таълим олиб ўзи ҳам мұхаддис, яъни пайғамбар ҳадисларини шарҳловчи бўлиб етишиди ва зиёрат қоидаларига бағишлиланган «Китоб ал-ҳаж»ни ёзди. Бу китобга мингга яқин ҳадис ва Қуръоннинг баъзи суралари тафсири кирди.

Ас-Суломий раҳбарлигида ибн Ханбал жами уч минг ҳадисни ўрганди ва ёд олди ҳамда «Китоб-ал-ҳаж»дан ташқари, «Китоб-ал-қайд» ва бир нечта кичик тазкиралар ёзди. Кейин у сафарга чиқиб Куфа, Басра, Макка, Мадина, Сано, Дамашқ шаҳарларида бўлди, ўша даврнинг кўзга кўринган мұхаддислари билан учрашди, сұхбатда бўлди ва улардан таълим олди. Ибн Ханбалнинг сұнгги сафари Сано шаҳрига бўлиб, бирмунча узоқ давом этди. Бу шаҳарда у Абдураззоқ исмли мұхаддисдан таълим олди. XI асрда яшаган ханбалий уламоси Абул Ҳусайн ибн Аби Йаланинг таъкидлашича, ибн Ханбал жуда кўп устозлардан илм олган, ле-

Кин унинг устозлари ичида энг асосийлари 25 кишини ташкил қиласди. Бу муаллиф ҳам «Табақот ал-ханабила» номли китоб ёзиб унда кўрсатишича, бу 25 устоз фақат иби Ханбалнинг ўзинигина тарбияламай, унинг маслакдошларини ҳам тарбиялаганлар.

Иби Ханбалнинг ана шу дастлабки маслакдошлари у билан бирга ханбалий мазҳабга ва шу ном билан аталадиган ҳаракатга асос солғанлар. Абул Ҳусайн юқорида номи зикр этилган китобида таъкидлашича, иби Ханбал Маккада, Мадинада, умуман, Ҳижозда яшаган йирик муҳаддис ва фиқҳ олимлари Суфён ибн Уйяйна, Иброҳим ибн Саад, Абу Довуд ас-Сижистоний сингарилар билан яқин муносабатда бўлган. Буларнинг ҳар бири ислом оламида катта обрўга эга бўлиб, уларнинг кўплаб шогирд ва издошлари бор эди. Масалан, ас-Сижистоний Хорун ар-Рашид саройида ҳам катта обрўга эга бўлиб, валийи мазолим ва валийи садақот лавозимларига тайинлангани; Суфён ибн Уйяйна ҳам катта лавозимларда ишлаб, халифа ҳузурида обрў қозонгани маълум. Бундай таниқли шахслар билан яқин муносабатда бўлиш иби Ханбалнинг кейинчалик шуҳрат қозонишига катта ёрдам берди.

816 йилда иби Ханбал Бағдодга қайтиб келиб, илм-ал-ҳадис ва фиқҳни ўрганишда давом этади. Энди у анча танилган уламо бўлиб, унинг ҳақида шофеъийлик мазҳабининг асосчиси ҳам жуда илиқ сўзлар айтади. Бу эса иби Ханбалнинг обрўсига обрў қўшади.

VIII асрнинг охири, IX аср бошларида исломда суннийлик билан бирга мутазила оқими ҳам пайдо бўлиб ривожлана бошлади. Бу оқимнинг асосчиси Восил ибн Ота бўлиб, у бир қанча масалаларда суннийлик оқимига тўғри келмайдиган ва унга зид фикрларни илгари сурди. Масалан, у суннийликдаги «тақдири илоҳий» тўғрисидаги таълимотни инкор қилди. Унинг таъкидлашича, ҳар бир иш Оллоҳнинг иродаси билан бўлади, кишиларнинг тақдири азалда белгиланган, дейиш Оллоҳнинг одиллигига шубҳа туғдириши мумкин. Чунки, унинг фикрича, Оллоҳ ўз буйруғи билан қилинган нотўғри ишлар учун одамларни жазоламайди. Восил ибн Отанинг бу фикрлари унинг «Фит-тавҳид вал-адл» китобида жамланган. Восил ибн Отанинг бу таълимоти ўзидан кейинги давр адабиёти, санъати ва фалсафасига кучли таъсир кўрсатган. Масалан, йирик файласуф, олим, шоир Умар Хайём ижодида мутазила таъсири аниқ сезилиб туради. Лекин шоирнинг «тақдири илоҳий» ҳақидаги таълимотга қарши билдирган фикрлари ва ёзган шеърларини атеистик руҳдаги фикр ва

шеър ёки ҳур фикрлилик намунаси дейиш, менимча, унча түгри бўлмайди. Бу фикрлар исломдаги бир оқим билан йккинчи оқим ўртасидаги тортишув маҳсулидир: Масалан, Умар Хайёмнинг қуйидаги рубойисини олиб кўрайлик:

Азалда лойимни қорганда худо,
Бйларди феълимдан не бўлур пайдо.
Хўкмидан ташқари эмас гуноҳим,
Хўш, нечун маҳшарда беради жазо?

Шўролар давридаги баъзи тадқиқотчилар, айниқса, атеист-олимлар бу рубойни атеистик руҳдаги, даҳрийлик руҳидаги рубой сифатида талқин қилмоқчи бўлдилар. Бундай фикр ҳақиқатга тўғри келмайди. Шоирнинг бу рубойси Оллоҳга ёки пайғамбарга қарши қаратилмаган, балки «тақдири илоҳий» тўғрисидаги таълимотга қарши қаратилган. Бундан ташқари, Хайёмнинг бу фикри янги, оригинал фикр бўлмай, мутазила таълимотидаги фикрнинг шеърий ифодасидир. Мен Умар Хайёмнинг шеърий ва фалсафий даҳосини камситмоқчи эмасман. У — сўзсиз, буюк файласуф ва буюк шоир. Бироқ, у ўзида йўқ фикр ва хислатларни унга тиркашларига муҳтож эмас. Навоий шеърларининг баъзи талқинлари тўғрисида ҳам шундай фикр билдириш мумкин. Лекин бу бошқа мавзу.

Мутазиланинг яна бир хусусияти Қуръон гайри маҳлуқ, яъни яратилмаган, азалдан бўлган ва тайёр ҳолда арши аълодан тушган, деган фикрини инкор қилишdir. Бу оқим тарафдорларининг фикрича, Қуръон яратилмаган, дейиш — уни Оллоҳ билан бир даражага қўйишdir. Бу эса тавҳидга, яъни Оллоҳнинг бирлигини эътироф этишга зидdir. Суннийлик оқимиидаги барча мазҳабларда эса, Қуръон гайри маҳлуқ, яъни у азалий деган ғоя олға сурилган.

Мутазила тарафдорларининг асосий ғояларидан яна бири сиёсий характерга эга бўлиб, ўша даврдаги халифаларга қарши қаратилган. Бу ғояга кўра, халифалик авлоддан авлодга ўтиши мумкин эмас, халифалар сайланиши керак.

IX аср бошларидан суннийлик мазҳаби вакиллари билан мутазила тарафдорлари ўртасидаги тортишувлар кескин тус олиб кетди. Диний уламолар баҳсига халифа ал-Маъмун ҳам қўшилиб, аҳвол янада чигаллашди. Мутазила халифалар ворислигига қарши қаратилган бўлишига қарамай, ал-Маъмун унинг тарафини олди ва суннийларга сездирмай, бу оқими кенгроқ тарқатишга ўн йил (822—833 йиллар) давомида ҳаракат қилди. 827 йилда у Қуръон азалий эмас, у битил.

ған, деб очиқ эълон қилди. 833 йилда эса у мусулмон уламолари ўртасида меҳна-очиқ синов ўтказди. Бу синов-тортишувнинг асосий масаласи Қуръон яратилганни ёки азалийми, деган савол бўлди. Меҳна халифанинг биринчи номаси билан боцланди. Бу нома Мисрга, Дамашққа, Куфага, Бағдодга юборилиб, унда меҳнанинг мақсадлари баён қилинган ва уни ўтказиш учун таниқли қозилар, уламолар ҳамда фақиҳларни юбориш буюрилган эди.

Нома юборилган жойларда меҳнага қаттиқ қаршилик мавжуд эди. Масалан, Мисрнинг қозийи калони Хорун ибн Абдуллоҳ аз-Зухрий номани олгач, биронта ҳам амалий иш билан уни бажаришга ҳаракат қилмади. Бағдод ва Дамашқда ҳам шундай ҳолат юз берди. Мақсад амалга ошмагач, ал-Маъмун тактикани ўзгартирди. Энди у фақатгина ўзининг Ироқдаги ноиби Исҳоқ ибн Иброҳимга нома юбориб, Бағдоднинг энг кўзга кўринган уламоларидан етти кишини ўзининг Тарсусдаги қароргоҳига юбориши талаб қилди. Қароргоҳга юборилган етти киши халифанинг ғазабидан қўрқиб, Қуръон яратилганини тан олишди. Шундан кейин уларни уйларига қайтариб юбориши. Бу муваффақиятдан хурсанд бўлган ал-Маъмун Ироққа учинчи номани юбориб, Бағдодда мустақил меҳна ўтказишни буюрди.

Халифанинг Ироқдаги ноиби Исҳоқ ибн Иброҳим ўз саройига 20 уламони тўплади. Улар орасида Аҳмад ибн Ханбал ҳам бор эди. Меҳна уч ҳафта давом этди. Меҳнада ҳозир бўлган уламолар бирин-кетин ўз фикридан қайтиб, Қуръоннинг яратилганини тан олишди. Охири тан олмаган тўрт киши қолди. Булар — Сажжод, ибн Ханбал, ал-Каворири ва Мұхаммад ибн Нуҳ ал-Мадруб эдилар. Уларни зиндонга ташладилар. Икки кундан кейин ал-Каворири ва Сажжод фикридан қайтилар. Ибн Ханбал билан ибн Нуҳни халифа қароргоҳига — Тарсусга юбордилар. Худди мана шу пайтдан бошлаб барча Бағдод мусулмонларининг эътибори ибн Ханбалга қаратилди. Ибн Ханбалнинг халифа ҳузурида қандай жавоб беришига кўп нарса боғлиқ эди. Ибн Ханбал ўз фикрида қанчалик мустаҳкам турганини йўлда юз берган воқеа кўрсатади: савдогарлардан Абу Жаъфар ал-Анбарий йўлда халифа ҳузурига олиб кетилаётган ибн Ханбал ва ибн Нуҳни учратади. Абу Жаъфарни кўрган ибн Ханбал, жуда чарчадим, тинкам қуриди, дейди: Бунга жавобан Абу Жаъфар, бу ишда чарчашиб йўқ, ҳамманинг кўзи сенга қадалган, агар сен Қуръон азалий эмас, деб тан олсанг, биз ҳам тан оламиз, дейди. Ибн Ханбал эса, иншоолло, деб жавоб қиласди.

Бу сафарнинг якуни нима билан тугашига Бағдодда жуда қизиқиш кучли эди. Ҳамма унинг якунини зўр эътибор билан кутиб турарди. Сафар кутилмаган воқеа туфайли узилиб қолди. Халифа ал-Маъмун тӯсатдан вафот этди. Ибн Ханбал билан Ибн Нухни ар-Раккага, ундан Анат шаҳрига юборишади. Анатда кекса ибн Нух вафот этади. Ибн Ханбални Бағдодга олиб келиб, бир йил зиндоnda сақлашади.

834 йилда ибн Ханбални нойибининг уйига олиб ўтишади ва турли йўллар билан уни ўз фикридан воз кечтирмоқчи бўлишади. Лекин ибн Ханбал фикридан қайтмайди. Охири янги халифа ал-Муътасим нома юборади. Бу номада у «ибн Ханбални қатл эттирмайман, лекин ҳаммага мазах, томоша қилдириб кейин тошдан қилинган қопга қамаб қўяман», дейди. Ибн Ханбални халифа саройига олиб келишади. Икки кун давомида ал-Муътасим шахсан ўзи ва қозийи қалон ибн Абу Дуод уни фикридан қайтармоқчи бўлишади. Лекин ибн Ханбал фикридан қайтмайди. Учинчи куни уни қийнай бошлайдилар. Сарой олдида жуда кўп оломон тўпланади. Оломондан қўрқиб кетган ал-Муътасим ибн Ханбалнинг амакисини халқни тинчлантириш учун чиқаради. Агар шу одам чиқмагандан, оломон саройни куч билан забт этиши мумкин эди. Қўрқиб кетган халифа бехуш ибн Ханбални уйига олиб бориб қўйиши буюради.

Меҳнада иштирок этиш ибн Ханбал ҳаётида бурилиш нуқтаси бўлди. Аввал у таниқли уламолардан бири эди, холос. Халифа ҳузурига юборилган биринчи гуруҳ уламолар қаторига уни қўшишмаган ҳам эди. У фақат анчагина кўп кишидан иборат иккинчи гуруҳга қўшилди, холос. Бу гуруҳдаги уламоларнинг кўпчилиги халифага қарши бора олмай ўз фикридан қайтгач, ибн Ханбалга омманинг эътибори кучайиб кетди. У ҳамма синовлардан ўтиб халифага қарши борди ва эътиқод учун азоб-уқубатлардан қайтмади. Бу унинг халқ орасидаги обрўсини жуда ошириб юборди.

Халифа ал-Восиқ даврида ҳам ибн Ханбални синаш давом эди. Лекин унинг халқ орасидаги обрўси шунчалик баланд эдики, таҳтга халифа ал-Мутаваккил ўтириб энди мутазила вакиллари таъқиб қилина бошлагач, ибн Ханбал динни сақлаб қолган шахс сифатида чориёлардан Абу Бакр Сиддиқ билан тенглаштирила бошлайди. Шу даврдан бошлаб у Бағдоддаги суннийларнинг энг обрўли уламоси бўлиб қолди.

Ханбалий мазҳабининг асосий қоидалари унинг ҳаётлигидаёқ шаклланган ва ёзила бошлаган эди. Ибн Ханбал бир

нечта китоблар ёзиб қолдирган булиб, уларнинг ичидаги асосийси — «Муснад» деб номланган ҳадислар тұпламиди. Бу китобда 30 минг ҳадис жамланған.

Ибн Ханбал таълимотининг бошқа сунний мазҳаблардан фарқ қылувчи бир нечта хусусиятлари бор. Шулардан бири мусулмон жамоаси билан ҳокимият раҳбари ўртасидаги муносабатдир. Бошқа сунний мазҳабларда подшо ёки халифа Оллоҳнинг ердаги сояси дейилса, ханбалий мазҳабда ҳукмдорға итоат қилиш кераклиги, лекин у адолатсизликка йўл қўйса, унга ҳақиқатни айтиш лозимлиги талаб қилинади. Бу иш, ҳатто, жиҳод билан тенглаштирилади. Адолатсиз халифаларга бўйсунмаслик намунасини ибн Ханбал ўз шахсий ҳаётида кўрсатди.

Ханбалий мазҳабнинг бошқа ислом таълимотларидан кескин фарқ қылувчи ва ваҳҳобийлик таълимоти негизини ташкил қилган ақоидларидан бири «бидо»га, яъни янгиликка муносабатдир. Бидъат («бидо»нинг кўплик шакли) сўзи ҳозирги ўзбек тилида эскилик, сарқит маъносини англатади. Аслида, араб тилида бу сўз янгиликлар маъносини англатиб, Қуръонда ва Суннада кўрсатилмаган ишларга нисбатан қўлланған. Ибн Ханбал таълимотига кўра, бидъат йўлдан адашишининг бощланиши бўлиб, охири пайғамбарни инкор қилишга олиб келади. «Муснад»да баён қилинған фикрларга кўра, бидо, яъни янгиликларнинг яхши ва ёмони бўлмайди, уларнинг барчаси Қуръон ва Суннага хилофдир.

Ибн Ханбал таълимотининг ўзига хос хусусиятларидан яна бири — Оллоҳга, Қуръонга ва Суннага сўзсиз итоат қилиш, нима учун?, нега? деган саволларни бермаслик. Бундай саволлар бериш уларга ширк келтириш билан баробар. Бу таълимотга кўра, диннинг арконлари тўғрисида баҳслашиш, Қуръон яратилган дейиш, намозга ўзгаришлар киритиш гуноҳи кабиралар ҳисобланади.

«Муснад» китобида таъкидланишича, эътиқод фақат сўза амал бирлиги билан таъминланганидагина ҳақиқий бўлади. Бошқа бир қатор мазҳаб ва оқимларда, киши Оллоҳга иймон келтирса мусулмонлар қаторига ўтади, дейилса, ханбалий мазҳаби мусулмонлардан эътиқодни амалда тасдиқлашни талаб қиласди. Бундан ташқари, масалан, Абу Ҳанифа мазҳабида мавжуд бўлган истислоҳ ҳодисаси, яъни диний ақоидларга ўзгаришлар киритиш мумкинлигини эътироф этиш ханбалий мазҳабда мутлақо инкор қилинади. Худди шу ҳолат кейинчалик ваҳҳобийликнинг айнан шу мазҳаб ўзагида пайдо бўлиши ва ривожлацишига сабаб бўлди.

Зикр қилинган асосий ўзига хосликлардан ташқари ханбалий мазҳабда бошқалардан фарқ қилувчи жузъий хусусиятлар ҳам бор, лекин улар ваҳҳобийликнинг келиб чиқиши ва хусусиятларини ўрганиш учун муҳим аҳамиятга эга эмас.

Ваҳҳобийлик ҳаракати ханбалий мазҳаб доирасида келиб чиқди ва ривожланди.

XVIII АСРДА ҲИЖОЗДАГЫ ИЖТИМОЙ-СИЕСИЙ ШАРТ-ШАРОИТ

Ваҳҳобийлик оқимининг моҳиятини тўла ва чуқурроқ англарш учун у вужудга келган даврдаги ижтимоий-иқтисодий, дилий ва сиёсий вазиятни, қисқароқ бўлса ҳам, таҳлил қилиш керак.

Бу диний оқим XVIII аср ўрталарида Ҳижозда пайдо бўлди. Бу даврда Ҳижоз ҳудудида бир нечта давлатлар мавжуд эди. Ваҳҳобийлик Нажд ва Алхоса вилоятлари ҳудудида шакллангани учун биз шу ҳудудлардаги вазиятни ўрганиш билан чекланамиз.

Бу ҳудудлардаги аҳолининг асосий қисмини бадавий араблар ташкил қиласр эди. Ҳозирги ўзбек тилида «бадавийлар» атамаси саҳрода яшаётган кўчманчи ёки чорвадор арабларнинг барчасига нисбатан ишлатилади. Аслида эса, бу атама фақатгина туючилик билан шуғулланган чорвадор арабларга нисбатан қўлланган.

Иилқичилик, эчки ва қўй боқиши билан шуғулланган, шунингдек, хунарманд арабларга нисбатан бошқа атама қўлланилган. Нажд ва Алхоса вилоятларида жуғрофий муҳит ҳўжаликнинг концентрациялашиши, йирик дехқончилик ҳамда чорвачилик майдонга келиши учун имкон бермасди. Чунки бу вилоятлар ҳудудининг асосий қисмини қумлик ва саҳро ташкил қиласди. Аҳён-аҳёнда учрайдиган яшил воҳалар эса унча катта бўлмаганлиги сабабли, уларда қўп сонли дехқон ҳўжаликлари тузиш мумкин эмасди. Жуғрофий жиҳатдан бу ҳудуд туючиликка жуда мос эди. Чунки туялар чорва ҳайвонлари ичиде очликка ва сувсизликка энг чидамлиси бўлиб, узоқ вақт сувсиз ҳамда овқатсиз яшай оларди. Сувсиз яшаётдан ташқари, туялар бадавийларни сут, қатиқ, пишлоқ ва ёғ билан таъминларди. Шунинг учун бадавий араблар узоқ вақт фақатгина туюнинг сути ва қатиғини ичип кун кечиришарди. Уларнинг кийимлари, асосан, туюнинг юнгидан тўқиларди. Туюнинг териси эса кийимлар ва анжомлар ясаш учун ишлатиларди. Ҳаттоқи, туюнинг тезаги ҳам ташлаб юборилмасди. Ҳижознинг совуқ тунларида одамлар уни ёқиб исинишарди. XX аср тадбиркорлари ибораси билан айтганда, туючилик чиқитсиз технология намунаси эди.

Қўйчилик ва эчкичилик билан шуғулланган чорвадорлар шовийлар деб аталган. Сувсиз ва ўсимликсиз саҳрода уларнинг кўчиб юриши учун имконият чекланган эди. Улар фақат яйловга яроқли воҳалар ҳудудида, кўчиб юришган, Уларнинг

бир қисмі чорвачилик билан бир вақтда дәхқончилик ҳам қи-
лишган.

XVII—XVIII асрлар давомида күчманчи бадавийларнинг
бир қисми ўтроқлашуви, ўтроқ арабларининг эса бир қисми
чорвадорлик билан шуғулдана бошлагани кузатилади. Бу
дavrда ҳунармандчилик ҳам муайян даражада ривожланган
эди. Ўтроқ аҳоли ичиде темирчилар, қуролсозлар, мисгарлар,
заргарлар, дурадгорлар, күнчилар, этикдўзлар, қурувчилар
анчагина қисмни ташкил этарди. Ҳунармандларнинг асосий
қисми қуролсозлар ва темирчилардан иборат эди. Бу даврда
Ҳижоз ҳудудида йирик устахоналар учрамайди. Том маъно-
даги шаҳарларни ҳам учратиш қийин эди. Макка ва Мади-
нани ҳисобга олмаганда, шаҳар мезонлариға мос келадиган
аҳоли яшайдиган жойлар, деярли, бўлмаган. Уларнинг кўп-
чилигини шаҳар эмас, каттароқ қишлоқ деб аташ ҳақиқат-
га яқинроқ келади. Шу қишлоқларда кичик устахоналар,
савдо расталари ҳам жойлашган эди. Бадавийлар ва бошқа
чорвадор араблар ўша қишлоқларга келиб чорвачилик маҳ-
сулотларини сотишар, ўзларига зарур бўлган ҳунармандчи-
лик буюмларини сотиб олишарди.

Бадавийларнинг ҳаётини моддий жиҳатдан таъминлаган
омиллардан бири туяларни савдогарларга юк ташиш учун
ижарага бериш ва карвонларга йўл кўрсатувчилик қилиш
эди. Макка ва Мадинага ҳар йили анча миқдорда зиёратчи-
лар келиши назарда тутилса, туяларга ҳамда йўл кўрсатув-
чиларга бўлган эҳтиёж сезиларли эканини англаш мумкин.

Туялар ва бошқа чорва ҳайвонлари боқиладиган ерларга
жамоат мулки сифатида қараларди. Яйловда хусусий мулк-
чилик, деярли, учрамасди. Ҳозирги кунда ҳам Саудия Ара-
бистонида чорва ҳайвонлари боқиладиган ерлар жамоат
мулки ҳисобланади.

Бадавийларни озиқ-овқат, кийим-кечак ва бошқа бойликлар
билан таъминловчи яна бир манба босқинчилик эди.
Чорвадор бадавий жамоалари, кўпинча, (айниқса, қурғоқчи-
лик бўлган йиллари) қўшни жамоаларга ҳужум қилиб, улар-
нинг чорва ҳайвонлари, бойликлари, хотин-қизларини тортиб
олишарди. XVIII асрдаги Ҳижоз учун бу оддий ҳол эди. Бос-
қинчилик юришлари чорвадор жамоаларнинг ҳарбий отряд-
лари учун машқ вазифасини ҳам бажаарарди.

Бадавийлар фақатгина қасби, асосий машгулотига қараб
эмас, этник келиб чиқишига кўра ҳам турли тоифаларга бў-
линган. Масалан: мутайир, ажмон қабилалари имтиёзли, су-
лайблар эса энг қуий табақа ҳисобланар эди. Хитойим, ша-

рорат қабилаларі ҳам қуйи тоифага киритиларди. Мұтайир ва ажмонларнинг асосий транспорт воситаси түя билан от ҳисобланса, сулайб, хитойим ва шароратларнинг асосий улови эшак ҳамда хачирлар эди. Сулайблар жуда кенг тарқалған қабила бўлиб, кўпинча, бошқа қабилаларга ёлланиб ишлашарди. Профессионал ашулачилар, раққос ва раққосалар, табиблар, фолбинилар, асосан, шу қабилага мансуб одамлар эди.

Бу даврда Ҳижозда қулдорлик муносабатлари ҳам сақланиб қолган эди. Қуллар, асосан, Шарқий ва Марказий Африкадан келтириларди. У ерларга маҳсус экспедициялар ўюштирилиб, қора танли негрлар қул қилиб олиб келинارди. Лекин Ҳижоздаги қулдорлик патриархал хусусиятларга эга эди. Қуллар, кўпинча, ўз хўжасининг оила аъзосига айланар, лекин уларнинг хуқуқлари чекланган эди. Хўжаликдаги оғир ва қора меҳнат қуллар зиммасида эди. Қўчманчи бадавийлар жамоасида шайх диний ва дунёвий етакчи ҳисобланарди. У қабилаларни бир жойдан иккинчи жойга кўчириш, қудуқ ва ўтлоқларни тақсимлаш, ўтов тикадиган жойларни аниқлаш, мунозарали масалаларда қозилик қилиш, оиласиий низоларни ҳал этиш, қабила удумларининг бажарилишини назорат қилиш каби вазифаларни бажаарди.

Бадавийлар жамоасини бошқариш тизими ва усусларида республика, аристократия ҳамда монархия белгилари аралаш-қуралаш ҳолда жамланган эди. Жамоа ҳәётига оид энг муҳим масалалар фақатгина кўпчилик бадавийлар розилиги билан ҳал қилиниши республика аломати бўлса, шайхлар ва уларнинг сулоласи эга бўлган имтиёзлар аристократия тузумига хос белги эди. Шайхларнинг жуда кўп масалаларни ёлғиз ўзи ҳал қилиши эса деспотия аломати эди. Шунинг учун бадавий жамоаси бошқарувини республика деб ҳам, аристократия тузуми деб ҳам, деспотия деб ҳам бўлмасди. Бу тизим ўзида уччала бошқарув кўринишининг хусусиятларини аралаштириб жамлаган эди.

Ислом дини пайдо бўлган VII асрда ва Муҳаммад пайғамбар вафотидан кейин Ҳижоз якка бир ҳокимият қўл остида бирлашмаган эди. Жуғрофий муҳит, қабила ва табақалар ўртасидаги зиддиятлар Ҳижознинг бирлашувига тўсқинлик қилса, бошқа бир қатор иқтиесодий ва сиёсий омиллар бу худуднинг бирлашувини тақозо этарди. Бирлашиш учун эса ягона мафкура керак эди. Ана шундай шароитда ваҳҳобийлик таълимоти юзага чиқди.

XVIII асрда халифаликнинг маркази Истамбул шаҳрида эди. Усмоний турклар эътиқодларига кўра ҳанафий мазҳабга мансуб эдилар. Бу мазҳаб мўътадилликка асосланган бўлиб, муросасизликни қоралар эди. Усмонийлар империясида уламолар энг имтиёзли ва таъсири табақалардан бўлиб, кўпгина диний, юридик ва сиёсий масалаларни ҳал қилишда сulton улар билан маслаҳатлашарди. Уламоларнинг бошлиғи эса шайхулислом бўлиб, лавозими бўйича у буюк вазир ҳисобланарди. Қозилар шайхулисломга бўйсунардилар. Жойлардаги ҳуқуқ-тартибот, диний ишларни назорат қилиш муҳтасибга юкланган эди.

Усмонийлар империясида бошланган инқироз уламоларда ҳам акс этган эди. Улар орасида ҳам моддий манфаатга, айш-ишратга берилиш кузатиларди. Совға-салом ва пора олган қозилар, кўпинча, адолатсиз ҳукм чиқардилар.

Усмонийлар давлатида, ҳанафий уламолар билан бир қаторда, тасаввуфнинг турли сулуклари ҳам кенг тарқалган эди. Энг кўп тарқалган сулуклар нақшбандия, мавлавия, бектошия кабилар эди. Империя ҳудудида дарвишлар, қаландарлар гуруҳлари ҳам кўп учарди.

Ҳанафий уламолар ва тасаввуф вакиллари турли қадамжойлар, азиз-авлиёларнинг қабрларига зиёратга боришни маъқуллашарди. Ҳижозда эса бу даврда ҳанбалий мазҳаб кенг тарқалган бўлиб, у IX—X асрда шаклланган кўп диний қоидаларни ўзгаришсиз сақлаб қолган эди.

Марказий ва Шарқий Арабистонда ибодия оқими ҳам тарқалган эди. Алхоса вилоятида қарматларнинг, Яманда шиалик йўналишидаги зайдийларнинг, Оммонда эса ибодиянинг таъсири кучли эди. Ироқнинг жанубий қисмида яшовчи мусулмонларнинг асосий кўпчилиги шиа мазҳабига мансуб эдилар. Исломдаги бу оқим ва йўналишларнинг барчасида ҳам азиз-авлиёлар ҳамда қадамжойларни зиёрат қилиш кенг тарқалган эди. Масалан: Нажд вилоятида Зайд ибн ал-Ҳаттобнинг мақбараси бўлиб, жуда кўп мусулмонлар уни зиёрат қилишга келишар, бошларига тушган қайғу ва кулфатдан халос этишни сўрашар эди. Жубайл ва Дарияда саҳоба ҳамда ансорларнинг кўп қабр ва мақбаралари бўлиб, уларга ҳам кўп зиёратчилар боришарди. Фидо деган қишлоқда улкан хурмо дарахти бор эди, у ерга келган зиёратчилар даражтнинг танаси ва шохларини турли латта-путталар билан ўраб ташлаган эдилар.

Макка шаҳрида Абу Толиб ва Биби Хадича мақбаралари, Тоифда Абдуллоҳ ибн Аббос, Жиддада Момо Ҳаво мақ-

баралари бор эди. Бу муқаддас жойларга зиёратчилар йил бўйи ташриф буюришар ва қурбонликлар қилишарди.

Бадавийлар орасида ўзларининг ота-боболари руҳига сиғиниш кенг тарқалган эди. Кўпинча, бадавийларнинг туғларида ҳам аждодлари руҳи акс эттириларди. Қурбонликлар ҳам, асосан, аждодлар руҳига бағишлиб қилинарди.

Шундай қилиб, XVIII аср бошларида Ҳижозда ислом динидаги турли оқим ва йўналишлар, мазҳаб ва секталар мавжуд эди. Бу ерда ханбалийлардан тортиб, зайдийлар, шиалилар, ибодийлар, сўфиylар, шунингдек, турли фолбин ва сеҳргарларни учратиш мумкин эди. Мана шундай иқтисодий, сиёсий ва диний асосда ваҳҳобийлик таълимоти вужудга келди.

МУҲАММАД ИБН АБДУЛВАҲҲОБНИНГ ҲАЁТИ ВА ФАОЛИЯТИ

Ваҳҳобийлик номи билан аталувчи диний ва ижтимоий-сиёсий таълимотнинг асосчиси Муҳаммад ибн Абдулваҳҳоб 1703 йилда Нажд вилоятининг Оён шаҳрида уламо оиласида дунёга келди. Дастлабки диний таълимни у ўз отаси Абдулваҳҳоб ибн Сулаймондан олди. Муҳаммад ёшлигидан қобилиятли бўлиб, 9 ёшида Қуръонни тўла ёд олган, 10 ёшдан тафсир ва ҳадис илмини ўрганишга киришган. Муҳаммад 12 ёшида уйланган. Орадан бир йил ўтгач, отасининг рухсати билан ҳаж сафарига борган ва Мадина шаҳрида 2 ёй яшаган. Бу ерда Абдуллоҳ ибн Иброҳим ибн Сайф исмли уламодан таълим олган. Кейинчалик Муҳаммад ибн Абдулваҳҳоб шогирдларига Мадинада ўтган ҳаёти ҳақида сўзлаб берар экан, шундай деган эди: «Кунлардан бир кун Шайх Абдуллоҳ ибн Иброҳим мендан сўради: «Диндан чекинувчиларга қарши тайёрланган қуролни кўришни истайсанми?» Мен «ҳа» деб жавоб бердим. Шайх мени қўлимдан тутиб жуда кўп китоблар қўйилган бир хонага олиб кирди ва «мана бизнинг қуролимиз» деб китобларга ишора қилди».

Муҳаммад ибн Абдулваҳҳобнинг бу ҳикояси, бир томондан, унгача ҳам исломни янгилик ва ислоҳотлардан тозалашга уринишлар бўлганини кўрсатса, иккинчи томондан, унинг бидъатга қарши мафқуравий қуролдан фойдаланмоқчи бўлганини кўрсатади. Лекин кейинчалик у ва унинг издошлари ўз мақсадларига етиш учун фақат мафқуравий эмас, кўпроқ ижтимоий-сиёсий ва ҳарбий усувлардан фойдаландилар.

Ибн Абдулваҳҳоб Араб ярим оролидаги жуда кўп вилоят ва шаҳарларда бўлган, яшаган ва фаолият олиб борган.

Дастлабки пайтларда унинг таълимоти кўп қаршиликка учраган. Кўп шаҳарлардан уни қувғин ҳам қилишган. 1726 йилда у Нажд вилоятидаги Ҳураймала шаҳрига келиб ўрнашган. Кейинчалик Оённинг янги ҳукмдори билан чиқиша олмаган отаси ҳам бу ерга кўчиб келган. Ҳураймалада ибн Абдулваҳҳоб ўз таълимотини янги куч ва шижоат билан тарғиб қила бошлади. Бу масалада у ўз отаси билан ҳам кескин мунозаралар олиб борди. Муҳаммад ибн Абдулваҳҳобнинг асосий асарларидан бўлган «Китоби фит-тавҳид» ҳам шу жойда ёзилган эди. Энди унинг шуҳрати Дария, Манфуҳ шаҳарларига ва қўшни вилоятларга шу ердан тарқала бошлади. Бу вилоятларда яшовчи мусулмонлар, ўзларининг Муҳаммад ибн Абдулваҳҳобга муносабатларига қараб, унинг дўстлари ва душманларига ажрала бошладилар.

1740 йилда Муҳаммаднинг отаси Абдулваҳҳоб вафот этди. Муҳаммад отасининг ўрнига шаҳар қозиси бўлди. Бу шаҳардаги мусулмонларнинг бир қисми Муҳаммадни қўллаб-қувватласа, бошқалари унга душманлик кайфиятида эдилар. Душманлари уни ўлдирмоқчи бўладилар. Лекин Муҳаммад тасодифан ўлимдан қутулиб қолади. Энди у Ҳураймалани ташлаб Оён шаҳрига қочишга мажбур бўлади.

Муҳаммад ибн Абдулваҳҳоб тўғрисида маълумот берувчи манбалардан унинг жуда кўп шаҳарларда бўлганини билиб олиш мумкин. У 6 йил Басрада, 5 йил Бағдодда, 1 йил Қурдистонда, 2 йил Ҳамадонда, 7 йил Исфаҳонда, 1 йил Қумда, ярим йил Ҳалабда, 2 йил Коҳирада, бир неча ой Қуддус ва Макка шаҳарларида яшаган. У 1797 йилда 94 ёшида вафот этган.

Айрим манбаларда Муҳаммад ибн Абдулваҳҳобнинг яхудий аёлга, бошқа манбаларда инглиз, яна бир хилларида эса француз аёлга уйлангани айтилади, лекин у ҳақда маълумот берувчи ишончли манбаларда бу хилдаги маълумотлар учрамайди.

Баъзи манбаларда Муҳаммад ибн Абдулваҳҳобнинг Буюк Британия разведка хизмати томонидан ёллангани баён қилинади. Лекин бу манбаларнинг барчasi XIX аср охири ва XX аср бошларида ёзилган асарлар. Муҳаммад ибн Абдулваҳҳобнинг ҳаёти, фаолияти ва таълимоти тадқиқ қилинган жиiddий академик нашрларнинг биронтасида унинг Буюк Британия ёки бошқа бирор мамлакат разведкачиси бўлгани ҳақида ҳеч қандай маълумот йўқ. Унинг маҳсус хизмат агентлари томонидан ёллангани тўғрисидаги маълумот кейинроқ

ўйлаб топилган ва бир китобдан иккинчи китобга кўчиб юрган кўринади.

Кўп ўқиш, кўп саёҳат қилиш ибн Абдулваҳҳоб дунёқарашининг шаклланишига катта таъсир кўрсатди. Саёҳатлар давомида у Ҳижоздаги, қўшни вилоятлар, шаҳарлар ва мамлакатлардаги диний эътиқодлар, таълимотлар, оқимлар ва муқаддас жойлар билан танишиш имкониятига эга бўлди. Бу саёҳатлар унинг кўп уламолар билан танишиш, суҳбатлашиш, фикр алмашишига имкон берди; у ўзининг ҳадис, тафсир бўйича билимларини чуқурлаштириб, янги таълимот яратиш учун асос тайёрлади. Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Муҳаммад ибн Абдулваҳҳобнинг XVIII асрдаги шогирдлари, издошлари ва тарафдорлари, шунингдек, кейинги асрларда бу таълимотни қўллаган уламолар ва диндорлар ибн Абдулваҳҳоб янги таълимот яратди, деб айтадилар. Аслида эса бу таълимотдаги 99 фоиз ғоялар унгача бўлган диний оқим ва мактабларда мавжуд эди. Ибн Абдулваҳҳоб ўша оқим ва мактаблардаги баъзи ғояларни ривожлантириди, айримларига урғу берди, холос.

Ваҳҳобийликнинг асосий хусусиятларидан бири ҳанбалия мазҳабидаги муросасизлик элементларини кучайтириш ва ўзига тўғри келмайдиган ҳар қандай оқимларга қарши кескин кураш олиб боришдир. Муҳаммад ибн Абдулваҳҳобнинг ўзи ҳам, сафдош ва издошлари ҳам бу таълимотни фақат тушунтириш, тарғиб қилиш йўли билан эмас, кўпроқ сиёсий, ҳарбий, зўравонлик ва алдаш йўли билан тарқатишга ҳарарат қиласдилар.

XVIII асрда ваҳҳобийлар ўз таълимотларини барча аҳоли ва диндорлар орасида тарғиб қилган бўлсалар, XX асрнинг сўнгги чорагида асосий эътиборни ёшларга қаратмоқдалар. Ёшлардаги дунёқарашнинг тўла шаклланмаганлиги, ҳаётий тажрибанинг камлиги уларга қўл келмоқда.

Тавҳид тўғрисидаги таълимот ваҳҳобийликдан олдин ҳам мавжуд эди. Лекин Муҳаммад ибн Абдулваҳҳоб тавҳидни ўзига хос талқин қиласди. У ўз замонасидаги иқтисодий танглиқ, инқизоз ва вайронгарчиликларга, майший, ахлоқий бузукликларга сабаб мусулмонларнинг тавҳидни унутиб қўйганликлари, деб тушунтироқчи бўлди.

Ваҳҳобийлар фикрига кўра, фақат Ҳижоздаги бадавийлар эмас, балки бутуни ислом дунёси тавҳид тамойилидан чекинган. Улар бидъатга берилиб энг оғир гуноҳларни содир қиласдилар. Абдулваҳҳобнинг фикрича, турли азиз-авлиёларнинг қадамжойлари ва мақбараларини зиёрат қилиш, уларга

сифиниш-ва қурбонликлар қилиш, уларнинг руҳларидан ёрдам сўраш энг оғир гуноҳлардир.

Ваҳҳобийлик таълимотига асосан, қурбонликни фақат Оллоҳ йўлида қилиш, ёрдамни ёлғиз Оллоҳдан сўраш мумкин. Турли хил фаришталар, пайғамбарлар, азиз-авлиёлар эса фақатгина нариги дунёда Оллоҳдан мусулмонларнинг гуноҳини кечиришни сўрашлари мумкин, уларнинг қўлидан бошқа иш келмайди. Ваҳҳобийлар фақат азиз-авлиёлар эмас, пайғамбарлар қабрлари устига ҳам мақбараалар қуришни таъкиқлайдилар.

Ваҳҳобийларнинг Муҳаммад пайғамбарга муносабатлари ҳам ўзига хосдир. Улар Муҳаммад пайғамбарни оддий бир инсон, уни илоҳийлаштириш ҳам, унга сифиниш ҳам, ундан бирон нарса, сўраш ҳам керак эмас, дейдилар. Пайғамбарнинг қабрини зиёрат қилиш ҳам тавҳидга зид, деб тушунтиришади улар. Мана шу қоидадан четга чиқишни улар ширк дейдилар.

Ваҳҳобийлар тўрт сунна мазҳаби асосчиларини тўрт имом деб тан оладилар, шу билан бирга; Тақиаддин ибн Таймия ва ибн ал-Қайюмни ҳам имом деб эътироф қиласидилар ва имомлар сонини олтитага етказадилар.

Ханбалия мазҳабидаги муросасизлик элементлари XIV асрда яшаган Тақиаддин ибн Таймия таълимотида ривожлантирилган эди. Бу ислом уламоси Суриядга туғилиб ўсган. У ўзининг асарлари ва маъruzаларида бидо (янгиликлар)га суннани қарши қўяди. Унинг айтишича, дастлабки ислом ёки асл исломда бўлмаган ҳар қандай янгиликлар диннинг бузилишига олиб келади. Шу нуқтаи пазардан у ашарийлар ва турли тасаввуф оқимлари вакилларини қаттиқ танқид қилди ва куфрда айблади. Ибн Таймия, шунингдек, азиз-авлиёлар ва, ҳатто, Муҳаммад пайғамбар қабрини зиёрат қилишга ҳам қарши чиқди. Бу даврга келиб Мадина шаҳридаги масжид-ун-Набавияда жойлашган Муҳаммад пайғамбар қабрини зиёрат қилиш ҳаж амалларидан бирига айланган эди.

Ибн Таймия таълимоти ханбалий мазҳаб таълимоти асосида шаклланган бўлса-да, у баъзи масалаларда бу мазҳаб қоидаларига ҳам қарши чиқди. У исломнинг асоси деб Қуръони Карим ва суннани тан олар, фиқҳда ҳар қандай ижмо ва қиёсга қарши эди.

Ибн Таймиянинг фақат назарий масалаларда эмас, амалиётда ҳам муросасиз бўлгани унинг бошига кўп кулфатлар келтирди. Қозилар ва ҳукмдорлар кўп марта унга жарималар солишли, тан жазолари беришди. Ибн Таймия ҳаётининг

анча қисми зиндан ва қамоқхоналарда ўтди. У 1328 йилда зинданда вафот этди.

Ибн Таймия илоҳиётга оид 500 га яқин асар ёзган эди. Аммо унинг издошлари кам эди. Таймия тарафдорлари кам бўлишса ҳам, улар ибн ал-Қайюм номли уламо раҳбарлигида устозларига содиқ қолишиди. Таймия вафотидан кейин бу издошлар унинг номини илоҳийлаштириб, валий даражасига кўтаришга ҳаракат қилдилар.

Кейинги уч-тўрт аср давомида Таймия асарлари кўпайтириб тарқатилмаса ҳам, унинг душманлари ҳамда тарафдорлари томонидан обдон ва чуқур ўрганиб турилди. Шу асрлар давомида унинг қарашларини бидога қарши курашмоқчи бўлган гуруҳлар томонидан жонлантиришга уринишлар бўлиб турди. Бундай гуруҳларнинг вакиллари, кўпинча, муваффақиятсиз бўлса ҳам, исломни янгиликлардан тозалашда Таймия таълимотига мурожаат қилишиди. Лекин, фақат XVIII асрга келибина Таймия таълимоти кескин ривожлантирилди ва исломнинг соғлиги учун курашган катта бир оқимнинг назарий асосига айланди. Бу ҳол ваҳҳобийлик оқимининг вужудга келиши туфайли юз берди.

Ваҳҳобийлар диний-фалсафий муаммоларни чуқур таҳлил қилмайдилар. Бу масалада улар ибн Таймия ва ибн ал-Қайюмга тўла асосланадилар. Бу икки уламо китоблари ваҳҳобийлар орасида Қуръондан кейин энг мўътабар китоб ҳисобланади.

Мусулмон дунёсидаги кўплаб уламоларнинг фикрича, ваҳҳобийликнинг ислом дунёсига келтирган энг катта заарларидан бири шундаки, улар исломни аслига қайтариш ниқоби остида сунний мазҳаблар, айниқса, ҳанафий мазҳабга қаттиқ зарба бердилар. Ибодат масаласида ваҳҳобийлик оригинал таълимот бўлмаса ҳам, ундаги ижтимоий-сиёсий масадаларга ёндошув ислом дунёсида янгилик эди.

Ислом дини Ҳижозда VII асрда шаклланган эди. Орадан ўз бир аср ўтгач, яна шу ерда янги диний оқим—ваҳҳобийлик вужудга келди.

Ваҳҳобийларнинг муросасизлиги шунда ҳам кўринадики, ўзларининг фикрларига қўшилмаган барча мусулмонларни улар душман деб биладилар.

Исломдаги сунний мазҳабларнинг барчасида ўзларининг фикрларига қўшилмаган бошқа мазҳаб вакилларини ҳам мусулмон деб эътироф этилади, ваҳҳобийлар эса ўзларининг фикрларига қўшилмаганларни кофир деб эълон қилишади.

Шуниси қизиқки, ваҳҳобийлар бошқа диндаги одамларга, масалан, яхудийлар ва насороларга ваҳҳобий бўлмаган мусулмонларга нисбатан қилган муросасизликларини қўлламайдилар.

Ваҳҳобийлар Ҳижозда ҳукмрон оқимга айланиб бошқа ҳудудларни куч билан забт этишар экан, у ерлардаги мақбара ва қадамжойларни бузиб ташлашар, муқаддас ҳисобланган дараҳт ва ўсимликларни йўқотишар эди. Шу билан бирга, сунний мазҳабдаги уламоларнинг китобларини ҳам ўтда ёқишаарди.

Ўзларининг фикрларига қўшилмаганларни кофир деб эълон қилиш уларга жиҳод бошлиш учун мафкуравий асос тайёрлар эди.

XVIII асрдан кейин ўтган давр мобайнида ваҳҳобийлик жуда кўп босқинчилик юришларига диний ниқоб бўлиб хизмат қилди. Қўшини мамлакатларни босиб олмоқчи бўлган кўпгина ҳукмдорлар ўзларининг юришларини жиҳод деб атай бошладилар.

Ваҳҳобийлик оқими тасаввуфга қарши очиқ фикр билдири маса ҳам, амалда бу таълимотга мутлақо қарши эди. Азизавлиёларга, қадамжой ва мақбарамларга қарши айтилган кескин фикрлар, аслида, сўфийликка ҳам қарши қаратилган эди. Шунингдек, мусиқага, ашулага, рақсга, зикрга шайтоннинг иши деб қараш амалда тасаввуфга зарба берар эди. Бу нарсаларнинг барчаси ваҳҳобийлар томонидан бидъат деб эълон қилинган эди.

Муҳаммад иби Абдулваҳҳобининг сиёсий қарашлари ҳам муросасизлиги, қаттиққўллиги билан ажralиб туради. У Оён шаҳрига қайтиб келгандан кейин маҳаллий ҳукмдорлар билан иттифоқ тузишга ҳаракат қиласди. Ўша пайтда Оён амири Усмон иби Ҳамад иби Муаммар эди. Унга қаратса иби Абдулваҳҳоб: «Сен барча бадавийларга ҳукмрон бўлишинг ва улар орасида тавҳидни тарғиб қилишинг керак», — дейди. Бу таклиф амирга маъқул тушади. Кўп ўтмай, амир ва иби Абдулваҳҳоб оиласида ўртасида қариндошлик иплари боғланади. Амирнинг юришлари давомида забт этилган жойлардаги мақбара ва қадамжойларни йўқ қилишга иби Абдулваҳҳоб ўзи бошчилик қиласди. Масалан: ал-Жубайл қўлга киритилганда, у ердаги саҳоба Зайд иби Хаттобнинг қабри устидаги мақбарани иби Абдулваҳҳоб ўзи бузиб ташланган. Оён шаҳридаги зинода айбланаётган бир аёлни тошбуён қилиб ўлдиришга иби Абдулваҳҳоб буйруқ берган ва бўринчи тошни ўзи отган.

Орадан кўп ўтмай, маҳаллий уламолар тазиёки туфайли Оён амири ва ибн Абдулваҳҳоб муносабатлари бузилади. Ибн Абдулваҳҳобни ёқтирмаган уламолар ва баъзи қўшни вилоятлар амирларининг талаби билан Усмон ибн Ҳамад ибн Абдулваҳҳобни Оёндан чиқариб юборади. 1744 йилда ибн Абдулваҳҳоб ад-Дария шаҳрида ўрнашади. Бу ернинг амири Муҳаммад ибн Сауд уни яхши кутиб олади. Амирнинг акаукалари ва хотини Муҳаммад ибн Абдулваҳҳоб билан яхши муносабатлар ўрнатилишига тарафдор эдилар. Катта сиёсий режалар тузаётган Муҳаммад ибн Сауд ўз мақсадларига этишиш учун ваҳҳобийлик таълимотидан фойдаланади. Муҳаммад ибн Абдулваҳҳоб эса Муҳаммад ибн Сауднинг ҳарбий режаларидан ўз диний ғояларини тарғиб қилишда фойдаланади. Шундай қилиб, Муҳаммад ибн Абдулваҳҳоб маъруза ва тарғибот ёрдамида, Муҳаммад ибн Сауд эса қилич ва найза ёрдамида атрофни забт этишга киришадилар. Лекин Абдулваҳҳобнинг ваъз ва маърузалари соғ диний ёки ахлоқий эмас, сиёсий тарғибот эди. Бу ваъз ва маърузалардаги сиёсий ғоялар, бошқа мазҳаб ва оқимларни тан олмаслик, якка ҳукмронликка интилиш каби сиёсий жиҳатлар диний қобиққа ўралган эди.

ДИНИЙ АҚИДАПАРАСТЛИКНИНГ ЎЗБЕКИСТОНГА ҚИРИБ ҚЕЛИШИ

Ислом дини Ўрта Осиёга кириб келган дастлабки асрлардаёқ бу ҳудудда ҳанафийлик асосий мазҳаб бўлган эди. Моҳият-эътибори билан ақидапараст бўлган оқимлар, шунингдек, шия мазҳабига мансуб ақидапарастлар ўша даврлардаёқ Ўрта Осиёга ўз таъсирларини ўtkазишга урингандар, лекин бу уринишлар кутилган натижани бермаган эди. Ўрта Осиёда ўз таъсирини сезиларли даражада ўтказган ақидапараст оқимлардан бири ваҳҳобийликдир.

Бу оқимнинг Ўрта Осиёда тарқалиш даврини олимлар, тарихчилар, журналистлар XX асрнинг 70-, 80-йиллари деб ҳисобламоқдалар. Бу фикр Ўзбекистонда, қўшни мамлакатлар ва Россияда чоп этилаётган газета-журналлар, илмий нашрларда баён қилинмоқда. Бизнинг тадқиқотларимиз эса бу оқим Ўрта Осиёга анча олдинроқ кириб келганини кўрсатмоқда. Бу жараённи чуқурроқ англаш учун ваҳҳобийликнинг Ҳижоздан ташқарига тарқалиш тарихига бир назар ташлаш керак. XVIII аср ўрталарида Ҳижозда шаклланган

ваҳҳобийлик оқими шу аср охири ва XIX аср бошларида Афғонистон ва Ҳиндистонда тарқала бошлади.

Ўтган асрнинг бошларида Ҳиндистонга ваҳҳобийликни тарқатишга бошчилик қилган Шоҳ Валиулло деган шахс бўлгани учун бу ердаги ваҳҳобийлар валиуллолар деб аталади. Ўтган асрнинг 20-йилларида бу ҳаракатнинг раҳбари ва тарғиботчisi Сайд Аҳмад Барабвий бўлгач, у тез ёйла бошлади ва шуҳрат топди. Аҳмад Барабвий Патна шаҳрида қаррогоҳ ташкил қилди ва эътиқод учун курашувчи «Мужоҳидлар биродарлиги»ни тузди. Бу биродарлик атрофида ҳинд феодаллари ва судхўрлар зулмидан аламзада бўлган мусулмонлар тўплана бошладилар.

Валиуллолар ҳаракатига қўшилган барча мусулмонлар ваҳҳобийлик таълимотига хайригоҳ бўлмасалар ҳам, улар бу уюшган ташкилот ғайридин феодаллар зулмидан озод қиласди, деган умид билан унга бирлашдилар. Уларнинг кўпчилиги илк исломда олға сурилган, худонинг олдида барча бандалари тенг, деган ғояни ҳаётга татбиқ қилишни орзу қиласдилар. Шу мақсадда улар судхўрларга, индуизм ва сикхизм динидагиларга қарши кураш бошладилар.

Ҳиндистондаги ваҳҳобийларнинг дастлабки ҳаракати сикхларга қарши қаратилди. Сайд Аҳмад Барабвий 1826 йил 21 декабрни сикхларга қарши жиҳод куни деб эълон қилди. Унинг атрофида катта армия тўпланди. Натижада, Барабвий қўшини Патна теварагида катта ҳудудда сикхларга зарба бериб, валиуллолар ўз давлатларини туздилар. Лекин бу давлатни мустаҳкамлашга улар муваффақ бўла олмадилар. Чунки забт этилган ҳудудлардаги ҳиндулар орасида уруғчилик-қабилачилик муносабатлари кўчли бўлиб, улар марказлашган давлат тузумига қарши тўхтовсиз қўзғолонлар қилиб турдилар. Бу қўзғолонлар охири Сайд Аҳмад Барабвийни тоғларга қочиб кетишга мажбур қилди. уни 1831 йилда сикхлар тоғда тутиб қатл этишди. Лекин ваҳҳобийлар ҳаракати Ҳиндистонда тўхтаб қолмади. Бу ҳаракат янги душман — инглиз мустамлакачиларига қарши қаратилгандан кейин унга яна янги кучлар қўшила бошлади.

Инглиз ҳукмрон доиралари ваҳҳобийлар билан сикхлар ўртасидаги жангларни мамнуният билан кузатиб турдилар. Чунки бу жанглар уларга фойда келтиради. Сабаби — мусулмонлар билан сикхлар ўзаро жанг билан овора бўлсалар, мустамлакачиларга қарши камроқ исён бўларди.

Инглизлар билан ваҳҳобийлар ўртасида даҳшатли жанглар бошланди. Кучлар тенг эмасди. Инглизларнинг яхши қу-

ролланган кучли армияси ваҳҳобийларга бирин-кетин қаттиқ зарба бера бошлади.

XIX асрнинг 50-йилларида инглизлар бир қатор жазо экспедициялари воситасида ваҳҳобийларнинг марказларини забт этишга муваффақ бўлдилар. Жумладан, Патна шаҳри ҳам қўлга олинди. 60-йилларда ваҳҳобийлар яна қўзғолон бошладилар. Бу қўзғолон ҳам раҳмсизлик билан бостирилди. Лекин бу сафар инглизларга ҳарбий экспедиция эмас, усталик билан амалга оширилган ҳийла қўл келди.

Ваҳҳобий руҳонийларнинг юқори қисми инглизларнинг совфа-саломлари ва берган имтиёzlарига учди. Улар ваҳҳобийлик ҳаракатини ичидан бузишга киришдилар. Шу мақсадда улар жиҳод тўғрисидаги таълимотни қайтадан кўриб чиқа бошладилар. Ваҳҳобийлар таълимотига кўра, мусулмонлар дор-ул-ҳарбда, яъни ғайридинлар ҳукмрон бўлган мамлакатда тинч яшашлари мумкин эмас. Бундай мамлакатда улар жиҳод қилишлари керак. Ваҳҳобийларнинг бундай ғояси бошқа мазҳабдаги мусулмонларга ҳам маъқул бўлиб, улар ҳам бу ҳаракатни қўллаган эдилар. Инглизлар томонидан сотиб олинган ваҳҳобий уламолар энди инглизларга қарши олиб борилаётган жиҳод ноўрин деб исботлаш учун фатво излай бошладилар. Шу мақсадда улар Маккадаги ва Карбалодаги уламоларга: «Инглизларга қарши жиҳод ўринлими ўринсизми?» — деган савол билан мурожаат қилдилар. Бу даврда Маккада ҳам, Карбалода ҳам таниқли мусулмон уламолари инглизлар таъсирига тушиб қолган эдилар. Иккала шаҳардан ҳам, инглизларга қарши жиҳод ноўрин, деган жавоб келди.

Бу келган жавоблар асосида Ҳиндистондаги мусулмон уламолари инглизларга қарши жиҳод қилиш мумкин эмас, деган фатво чиқардилар. Бу фатвони асослаш учун улар турли хил ҳийла-найранглар ишлатдилар. Бу фатвода Ҳиндистон дор-ул-ҳарб эмас, дор-ул-ислом деб эълон қилинди. Дор-ул-исломда эса жиҳодга ўрин йўқ. Шундай қилиб, инглизлар ваҳҳобийларни мафкуравий йўл билан, ҳийла-найранг билан енгишга муваффақ бўлдилар.

XIX аср бошлари ва ўрталарида . Ўрта Осиё ҳудудидаги ҳонликлар Ҳиндистон ва Афғонистон билан яхши савдо алоқалари ўрнатган эдилар. Ҳонликларнинг савдогарлари Афғонистон ва Ҳиндистонга ўз молларини сотиш учун олиб борсалар, у ерлик савдогарлар ўз моллари билан Ўрта Осиёга келиб туришарди. Ўша даврларда Ҳиндистондаги асосий динлар индуизм ва ислом дини бўлса, исломга эътиқод қилувчи

мусулмонларнинг асосий қисмини валиуллолар ташкйл қйларди. Ўрта Осиёга келаётган савдогарларнинг асосий қисми мана шу ваҳҳобийлик оқимига мансуб мусулмонлардан иборат эди. Улар Ҳиндистондан, анвойи моллар билан бирга, ақидапарастлик ғояларини ҳам олиб келаётган эдилар.

Молларини Ҳиндистонга олиб бориб сотаётган ўрта осиёлик савдогарлар ҳам маълум даражада валиуллолар таъсирiga берилаётган, ақча ва Ҳиндистон матолари билан бирга, Ўрта Осиёга ваҳҳобийлик ғояларини улар ҳам олиб келаётган эдилар.

Афғонистоннинг ўзбеклар, тожиклар ва туркманлар яшайдиган шимолий худудлари эса Жанубий Туркистон деб аталаr ва бу худудлар анча вақт Бухоро амирлиги таркибида бўлган эди. Бу худудларда ҳам ваҳҳобийлик таъсири сезиларли даражада эди.

Ваҳҳобийликнинг Ўрта Осиёга кириб келишида катта рол ўйнаган воситалардан бири ҳаж сафарига борувчилар эди. Ўша пайтда муборак сафарга борувчиларнинг бир қисми Афғонистон, Эрон, Туркия орқали йўлга чиқишича, бошқа бир қисми Ҳиндистонга бориб, у ердаги Қалкутта ва Бомбей бандаргоҳларида кемаларга ўтирас, Ҳинд океани орқали Макка ва Мадина шаҳарларига зиёратга борардилар. Ҳиндистон орқали сафарга борувчилар кўпчиликни ташкил қиларди. Бу сафар бир неча ой давом этишини; зиёратчилар Ҳиндистонда кемани ҳафталаb ва ойлаб кутиб, кемада ҳам аксари ваҳҳобий бўлган ҳиндистонлик зиёратчилар билан бир неча кунлаб бирга юришини; бу кутиш ва юришлар ҳиндистонлик валиуллолар билан ёнма-ён тарзда кечганини назарда тутсак, зиёратчиларга ақидапарастлик таъсири ўтиши учун қанчалик қулай шароит мавжуд бўлганини кўрамиз. Ҳижозга етгунча валиуллолар таъсир доирасида бўлган зиёратчилар Макка ва Мадина шаҳарларига етиб келгач, бу ердаги ваҳҳобийлар таъсирига тушиб қолардилар. Чунки бу даврда ваҳҳобийлик Ҳижозда етакчи оқимга айланган эди. Ҳафталаb, ойлаб ваҳҳобийлар билан ёнма-ён яшаш ва ибодат қилиш ўрта осиёлик ҳожиларга таъсир ўтказмай қолмасди. Уларнинг ҳаммаси бўлмаса ҳам, анчагина қисми ваҳҳобийликнинг сезиларли таъсирига тушиб қоларди. Шундай қилиб, ваҳҳобийлик XIX асрнинг иккинчи ярми давомида Ўрта Осиё мусулмонларига сезиларли таъсир ўтказади.

XIX аср охири ва XX аср бошларида бу таъсир кучая бошлиди. Лекин бу даврдаги диний жараёнларни таҳлил қилган-

да, уни фақат турлй оқымларнинг ўзаро муносабатигина деб эмас, диндорларнинг жамият ҳаётидаги воқеаларга муносабати сифатида ҳам олиб қаралиши керак. Жумладан, Русия зулмидан норозилик, кўпинча, дилий ниқобларда зоҳир бўлган. Бу ўринда 1898 йилда Дукчи эшон бошчилигига юз берган Андижон қўзғолонини эслаш кифоя.

Баъзи вилоят ва туманларда эса міллий истибододга қарши чиқишилар ақидапарастлик кўринишида ҳам бўлган. Мавжуд тузумга норозилик билдиришда баъзи диндорлар ақидапарастликка хос бўлган муросасизликдан ҳам фойдалангандар. Масалан, 1905 йилда Хивада нақибул ислом Иброҳим ҳожи ва Юсуф ясовулбошилар «Қадимлар» деб аталган гурӯҳни тузган эдилар. (Қаранг: А. С. Содиқов «Россия и Хива в конце XIX — в начале XX века». Изд-во «Фан» Тошкент, 1979, 126-бет). «Қадимлар»нинг бошқа мусулмонлардан фарқи шунда эдики, улар исломнинг қадими, «асл» ҳолини тиклашга уринар эдилар, яъни улар ўз мақсадларини фақатгина ислом динини VII асрдаги ҳолига қайтариш деб баён қилсалар ҳам, аслида мусулмон давлати ва халифалик тузишга интилардилар. Уларнинг исломни асл ҳолига қайтариш йўлидаги ҳаракатлари VII асрдаги халифаликни тиклашга олиб келиши керак эди. Шуни сезган чор жандармериясининг Амударё бўлими бошлиғи ўзининг маълумотномасида шундай ёзган эди: «Рұҳонийлар бир қатор амалдорлар билан қадимги тартиблар тарафдорлари гурӯҳини туздилар. Уларнинг интилишлари хон вафот этгудек бўлса ўзларининг одамлари ҳисобланмиш валиаҳдни тахтга ўтқазиш, миш-мишларга қараганда, жиҳод бошлаш ва Андижон воқеаларини қайтаришдан иборат» (Ўша жойда).

Мана шундай даврда Ўрта Осиё ҳудудига Қrimda, Boғ-часаройда, Бомбей ва Қалкуттада чиқадиган газета ва журнallар ҳам кела бошлаган эди. Жумладан, Исмоил Гаспирали Boғ-часаройда нашр этадиган «Таржимон», Қrimda чиқадиган «Maъlumot» газеталари маърифатчиликка йўналтирилган бўлса, Қалкуттадан келтирилаётган «Taxhl-ul-matin» газетасида ақидапарастликнинг таъсири кучли эди.

Хивада «Қадимчилар» гурӯҳининг, Бухоро амирлиги ва Қўқон хонлигидаги бошқа шаҳар ва вилоятларда «Шўрои исломия»нинг тузилиши Ўрта Осиёда ақидапарастликнинг намоён бўлишигина эмас, унинг ташкилий тизимга эга бўлгани ва сиёсий кучга айланганидан далолат берар эди. Бу куч кейинчалик кўпгина хунрезликларга сабаб бўлган эди.

1918 йил январ—феврал ойларида Бухоро амирлигига юз берган воқеалар, яъни 24 январда ёш бухороликларнинг Когондаги ва кейинроқ Каркидаги исёни, Колесовнинг юришидан кейин амир ва қадимчилар авжга минадилар. Қадимчилар жадидлар ва, умуман, тараққийпарвар кучларга қарши аввал мағкуравий, кейин амалий ҳаракатлар бошлайдилар. Бухоро қозиси ва қадимчи уламолар жадидларни кўрган жойда ўлдириш тўғрисида фатво чиқарадилар. Лекин жадидларни ўлдириш учун аввал уларни ножадидлардан ажратиб олиш керак эди. Шуни назарда тутиб, жадидларни бошқалардан қандай ажратиш тўғрисида кўрсатмалар берилади. Уларга кўра: «Кимда-ким ёқали кўйлагига тугма қадалган бўлса — жадид, костюм кийган кишилар ҳам — жадид; кимда-кимнинг соқоли қисқа бўлиб, мўйлови узун бўлса ҳам — жадид; ким агар ўз боласини янги усул мактабига берган бўлса — жадид; кимда-ким газета ўқиса, ёки газета ўқийдиганлар билан борди-келди қилса, у ҳам — жадид, рус тилини оз-моз биладиганлар ҳам жадидлардир». Мана шу санаб ўтилган белгилар асосида одамларни тутиб олиб қалтаклаш, ўлдириш бошланди. Шу олатасирдан фойдаланиб, кўпчилик қадимчи ақидапарастлар ўз муҳолифларини, яъни янгилика интилган, аммо ҳанафий мазҳаб доирасидан четга чиқмаган жуда кўп мусулмонларни йўқ қилиб юбордилар. Тўполонлардан фаразли мақсадлари йўлида фойдаланиб қолмоқчи бўлганлар ўз душманлари ёки ўзига ёқмаган одамларни ҳам ўлдириб юбораётганини билган амир 1918 йил 5 марта фармон чиқарди. Үнга кўра, жадидликда гумон қилинганлар Аркка олиб келиниши керак эди.

Бир неча кун ичida Арк маҳбусларга тўлиб кетди. Қадимчи ақидапарастлар томонидан ўлимга маҳкум этилганлар шу даражада кўп эдики, жаллоднинг қўли қўлига тегмасди. Ҳар қанча тез ва чаққон ишламасин, у ўз вазифасини тўла бажаришга, яъни маҳкумларнинг бошини танасидан жудо қилишга улгурмасди. Шунинг учун у мана шу кунларда ўзига шогирдлар олганди. Ҳаваскор жаллодлар ҳам бир неча минг кишини дорга осишда устозларига кўмак беришган.

Бухородаги ҳунрезликка ўхшаш ҳодисалар бу кўламда бўлмаса-да, бошқа хонликларда ҳам ўша ердаги қадимчи ақидапарастлар таъсирида содир этилган эди. Шундай қилиб, Ҳиндистондаги ваҳҳобийлар таъсирида шаклланган Ўрта Осиё қадимчи ақидапарастлари жуда кўп begunoҳ одамларнинг қони тўқилишига сабаб бўлган эди. Ана шу воқеалар таҳлили диний ақидапарастлик Ўрта Осиёга XX асрнинг 70-

ёки 80-йилларида эмас, XIX аср охири — XX аср бошларида кириб келганини күрсатади.

20—30-йилларда Шүролар барча динларга ва диний оқимларга қарши курашиб рухонийларни қатағон қылган бұлсалар, 60-йилларда ва кейинроқ жумбоқли ҳодиса юз берди: үзларини ашаддий даҳрий ва хар қандай динга душман деб билувчи коммунистлар ашаддий ақидапарастлар ҳаракатининг фаяллашуига шароит яратиб бердилар. Коммунист ақидапарастлар диний ақидапарастлар билан құшилиб, ҳанағий мазҳабдаги мусулмонларга қарши кураш бошладилар. Лекин бұ мұраккаб жараён маҳсус таҳлилни талаб қилади.

ШҮРОЛАР ВА АҚИДАПАРАСТЛИК

Шүро тузуми коммунистик ақидапарастликка асосланған зәді. Моҳият — әထибори билан бу тузум ақидапарастликнинг әнг муросасиз күрінішларидан бўлиб, ўз йўналиши, мақсади, сиёсати, стратегия ва тактикасига бир оз бўлса ҳам мос келмайдиган ҳар қандай қураш, ҳаракат ва ташкилотларни таг-томири билан йўқ қилишга интиларди.

Коммунистик тузум мафкурасининг асосий хусусиятларидан бири даҳрийлик бўлгани учун, у ҳар қандай динга қарши аёвсиз кураш олиб борди. XX асрнинг 20-йилларида Москва, Петербург каби шаҳарларда диндорлар билан даҳрийларнинг мунозаралари ўтказилиб турди. Бу мунозаралар Совет тузуми динга қарши мафкуравий йўл билан кураш олиб бориш йўлини танлаганини англатмасди. Бу тактика Совет даҳрий тузуми ҳали иқтисодий, ҳарбий жиҳатдан заифлиги сабабли қўлланған зәди. Бир оз куч тўплаб олгач, бу тузум ўзининг ҳақиқий башарасини намоён қилди. Энди диндор уламолар билан мунозара қилиб ади-бади айтишиб ўтирмаи, уларнинг асосий кўпчилиги қатағон қилинди. Уларнинг кўп қисми отиб ташланди, қолганлари эса узоқ ўлкаларга бадарға қилинди. Бу сиёсат шундай амалга оширилдики, НКВД ходимлари диндорларни қатағон қилишда уларнинг ақидапараст экани ёки эмаслигига заррача ҳам эထибор бермадилар.

Динга ва диндорларга нисбатан қатағон сиёсати қўлланилар экан, асосий мақсад одамлар онгидан диний эထиқодни мутлақо чиқариб ташлаш, унинг ўрнига коммунистик эထиқодни сингдириш зәди. Шуни ҳам эслаш жоизки, коммунистик тузум диний эထиқодга қарши кураш олиб борар

экан, аста-секин ўзи диний эътиқоднинг хусусиятларини ўзлаштириб, диний таълимотга ўхшаб кета бошлади.

Коммунистик тузум барча динларга қарши кураш олиб борди. Унинг диндорларга ва динга қарши кураши, жуда бешафқат тусда олиб борилди. Лекин унинг исломга қарши кураши, айниқса, бешафқат эди. Бу бир неча нарсаларда кўзга ташланади.

Биринчидан, мусулмон масжидлари миқдори жуда чеклаб қўйилган эди. Русия, Украина, Белорусия сингари аҳолиси нинг асосий қисми христиан динига мансуб республикалардаги ҳар бир катта қишлоқнинг ўз черкови, ибодатхонаси бўлгани ҳолда, аҳолиси тарихан исломга эътиқод қилиб келган Ўрта Осиё республикаларида қишлоқ у ёқда турсин, туман марказларининг ҳам 90 фоизида масжидлар йўқ эди. Асримизнинг 50-йиллари охиридан то 80-йилларнинг охири гача Ўзбекистонда фақат 80 дан ортиқроқ масжиднинг фаолият олиб боришига ижозат берилган эди. Бу масжидларнинг ҳам ярмига яқини Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятига тўғри келар эди.

Пойтахтга чет мамлакатлардан, жумладан, мусулмон мамлақатларидан турли хил делегациялар, сайёҳлар келишини ҳисобга олиб, чет элликларда шўролар ўз фуқародарига виждан эркинлигини берган экан, деган тасаввур туғдириш учун шундай қилинган эди. Аслида эса, Самарқанд, Бухоро, Фарғона, Наманган вилоятларида 3—4 тадангина масжид ишлаб турарди. Бошқа вилоятларда масжидлар сони бундан ҳам оз эди. Масжидларнинг кўпчилигида биттадан имом ишлагани, фақат баъзиларида гина уларнинг муовинлари-ноиблари бўлгани ҳисобга олинса, бутун Ўзбекистонда 100 дан ортиқроқ имом бўлганини билиш мумкин. Бу имомлар ҳам эртадан кечгача худойи, жаноза, никоҳ каби маросимлар билан банд бўлиб, ақидапарастликка қарши курашиш учун уларнинг вақтлари бўлмасди. Бу эса ақидапараст оқимларнинг мамлакатга кириб келиши учун қулай шароит яратди. Чунки 30-йиллар қатағонларидан кейин аҳолининг катта кўпчилиги Ўрта Осиёда қадимдан асосий мазҳаб ҳисобланган ҳанафийлик тўғрисида ҳам тўлароқ маълумотга эга эмасди. Иккинчи томондан, коммунистларнинг ўzlари ақидапарастликнинг жонланиши, фаоллашиши учун қулай шароит яратдилар.

Кавказорти ва Шимолий Қавказдаги баъзи элатларнинг ўз юртларидан бадарға қилиниши Сталиннинг исломга нисбатан салбий муносабатининг яна бир кўриниши бўлди. Шу

нарса эътиборга лойиқки, ислом билан тарихан боғлиқ әлатларгина ўз ватанларидан бадарға қилинди. Репрессияга биринчи навбатда курдлар дучор бўлди. 30-йиллар охирида месхети туркларининг навбати келди: уларга аввал мактабларда она тилида таълим олиш, сўнг эса унда сўзлашиш таъқиқланди. Машгулотлар грузин тилида олиб борила бошланди. 1944 йил охирларида месхети туркларининг ҳаммаси Грузиядан Ўрта Осиёга кўчирилди. Сўнгра чечен, болқор, қораҷойларнинг навбати келди. Баъзи маълумотларга қараганда, бу минтақадан исломга эътиқод қўйган ёки қай даражада бўлса-да, у билан боғланган тахминан 5 миллион киши бадарға қилинган; улардан салкам бир миллион киши (асосан, хотин-қизлар, болалар ва кексалар) кўчиш, янги жойга ўрнашиш ҷоғида ҳалок бўлган.

Буни қандай изоҳлаш мумкин? Ёки бу тасодифий мос келишми? Менинча, бунинг жавоби фақат битта бўлиши мумкин: сталинизм исломни таг-томири билан тугатиш учун атайлаб шундай сиёsat юргизган, бунда кўчириш учун иккى қўшнидан биттаси — мусулмони танланган.

1943 йили Иккинчи жаҳон уруши давомида вужудга келган шарт-шароит туфайли Сталиннинг динга, хусусан, православиега бўлган муносабати бир оз юмшади. Лекин исломга нисбатан у аввалгидек муросасиз бўлиб қолаверди. Ўша йили вазифасига очиқ диний фаолиятга расмий рухсат бериш ҳам кирадиган дин ва диний бирлашмалар ишлари бўйича Кенгаш тузилди. Мамлакатдаги христианлик (православие) тарқалган регионларнинг кўпчилигига ўнлаб ва юзлаб черков ҳамда ибодатхоналар ишлай бошлади. Асосан исломга эътиқод қўйилган жойларда эса 2—3, бир қатор жойларда фақат биттадан масжид рўйхатга олинди (масалан, Ашхобода 1989 йилгача битта ҳам масжид иш кўрмас эди).

Бир неча юз мингдан бир миллион кишига қадар аҳоли яшайдиган вилоятларда атиги 2—3 масжиднинг рўйхатга олиниши диний маросимларни бажаришда катта қийинчиликлар туғдиради. Жўума ёки ҳайит намозларида иштирок этиш учун диндорларга ўнлаб, ҳатто, юзлаб километр йўл босишига тўғри келарди. 1989 йилгача, масалан, Наманган вилоятида 3, Фарғона вилоятида 4 масжид ишларди. Қашқадарё, Сурхондарё, Сирдарё, Хоразм вилоятларида эса масжидлар бундан ҳам оз эди. Бутун Туркманистон ССРда бор-йўғи 4 масжид бор эди.Faқат Тошкент вилоятида салкам 20, Андижон вилоятида 10, Самарқанд вилоятида 7 та масжид рўйхатга олинган эди. Бунда нафақат диндорларнинг диний эҳ-

тиёжларини қондириш, балки бу вилоятларга құшни мамлакатлардан мусулмон рұхонийлари делегациялари келиши күпайғанлиги ҳам ҳисобға олинган эди.

50-йилларда ва 60-йиллар бошида мамлакатнинг баъзи мінтақаларыда ибодатхоналарни, шу жумладан, масжидларни ёпиш бўйича компанияя авж олдирилди. Меҳнаткашларнинг гўё масжидларнинг «кәраксизлиги», Оллоҳга эътиқодидан воз кечиш хусусидаги «баёнотлари» ва ҳоказолар бунга асос бўлиб хизмат қилди. Вилоятлар ва республикаларнинг раҳбарлари аҳолининг «атеистик тарбияси» борасидаги ўз «муваффақият»ларини марказ олдида ана шундай тарзда намоён этишга интилдилар, аҳоли учун бундай «муваффақиятлар», умуман, кутилмаган нарса бўлган эди. Бундай «баёнот»ларнинг сохталиги очиқ-ойдин кўриниб турарди.

Коммунистлар дин ва диндорларга шундай муносабатни давом эттириб, уларни бутунлай тугатиши ниятида эди. Лекин бу ниятга улар ета олмадилар. Бошланиб кетган Иккинчи жаҳон уруши Сталин ва унинг атрофидагиларнинг динга ва диндорларга муносабатларини ўзгартиришга мажбур қилди. Уруш ниҳоятда авж олган 1943 йилда СССР Министрлар Совети ҳузурида Диний ишлар бўйича Кенгаш тузилиши мамлакатдаги диндорларнинг Совет давлатига муносабатини ижобий томонга буриш учун хизмат қилиши лозим эди. Уруш жанггоҳларыда вужудга келган танглик вазияти динга шундай ён босишини тақозо қилган эди. Шу даврда Ўрта Осиёда ҳам бир қатор масжидлар фаолият бошлади. Диний уюшмалар тўғрисида қонун, қарорлар қабул қилинди, йўриқномалар чиқарилди. Бу тадбирлар атрофида олиб борилган кенг кўламли тарғибот ишлари диндорларнинг Совет давлатига муносабатида ижобий силжишлар ясаш учун имконият яратди.

Совет диндорлари, рұхонийлари ва уламоларининг хурсандлиги узоққа бормади. Урушни ғалаба билан якунлагач, Сталин ва унинг атрофидагилар дин ва диндорларга нисбатан тўнларини яна тескари кийиб олишиди. 50-йилларда масжидларнинг сони камайтирила бошланди. Шу даврда шаҳар, маҳалла, қишлоқ ва овуллардан ўша жойлардаги масжидлар ёшларнинг тарбиясига салбий таъсир ўтказаётгани, уларнинг онгини заҳарлаётгани тўғрисида партия идоралари, матбуот органларига хатлар кела бошлади. Бу хатларнинг, деярли, барчаси маҳсус ташкил қилинган эди. Улардан баъзиларигина ашаддий атеистлар томонидан ёзилган эди. Ўша

пайтдаги атеистларнинг кўпчилиги кейинроқ диндор бўлиб олишди, улар ичидан, ҳатто, диний уламолар етишиб чиқди. Лекин ўша пайтда динга қарши жон-жаҳди билан курашган ашаддий атеистлар ҳам бор эди. Ўша пайтда мен шундайлардан бири билан суҳбатлашган эдим. У ўзининг нақадар атеист экани билан мақтаниш учун, мен ислом динига шу қадар қаршиманки, қизимни суннат қилинган йигитга бермайман, деган эди.

Диний эътиқоддан воз кечишлар ва масжидларни ёпиш тўғрисидаги илтимосномалар динга қарши ҳаракатни кучайтириш учун мафкуравий асос тайёрлаши керак эди. 40-йилларда ишлай бошлаган диний ўюшмаларнинг кўпчилиги, асосан, мусулмон масжидлари яна қайтадан ёпила бошлади.

Ўрта Осиё республикаларида жуда кўплаб масжидлар ёпилиб кетди. Сталин ва унинг теварагидагилар динга қарши курашнинг асосий йўналишини ислом динига қарши қаратдилар.

Шўролар даврида динга қарши кураш деганда, энг кўп тарқалган оқим ва мазҳабларга қарши кураш тушуниларди. Ўрта Осиё республикалари ва Қозогистонда, Кавказорти ва Шимолий Кавказда (Озарбайжондан ташқари) энг кўп тарқалган ислом мазҳаби ҳанафийлик эди. Жойлардаги партия қўмиталари ва маъмурий идоралар ўзларининг исломга қарши кураш олиб бораётганликларини кўрсатиш учун ҳанафий мазҳабга қарши кураш бошладилар.

Ўша пайларда аҳолининг динга муносабатини зоҳир этиб турадиган бир нечта кўрсаткичлар бор эди. Шулардан асосийлари қадамжойларни зиёрат қилиш ва жаноза маросимлари эди. Ўзини ҳар қанча атеист қилиб кўрсатган бўлса-да партия ходими вафот этганда, у ҳам мусулмон дини талаблари асосида дафн этилар эди. Бу маросимга қарши курашда партия органлари мутлақо ожиз эди. Яна бир диний маросимникоҳ маҳаллий аҳоли томонидан тўла бажарилса ҳам, уни енг ичидан, яширинча ўтказиш мумкин эди. Жанозани ва марҳум хонадонига келиб фотиҳа ўқишлиарни бундай яширин тарзда ўтказиб бўлмасди.

Қадамжойларга қарши курашда ҳам партия органлари ва маъмурий идоралар ходимлари мутлақо ожиз эдилар. Қайси туман ёки шаҳарда машҳурроқ қадамжойлар бўлса, ўша туман ва шаҳар раҳбарлари бошида кўпроқ калтак синар эди. Чунки юқоридан келган вакиллар бу қадамжойлардаги зиёратчиларни кўриб, шу ҳудудда партия органлари аҳоли-

ни атеистик руҳда тарбиялаш бўйича етарли иш олиб бор-
маётганликлари, демак КПССнинг топширигини етарли ба-
жармаётганликлари тўғрисида маълумотнома ёзиб кетар
эдилар.

Шундай шароитда партия органлари ва маъмурий идора-
лар раҳбарларининг жонига ақидапарастлар оро кирдилар.
Улар қадамжойларни зиёрат қилишга қарши муросасиз ку-
раш олиб борар эдилар. Бу иш улар наздида бидъат ҳисоб-
ланиб, уларнинг ақидаларига зид эди. Шунинг учун улар им-
кон бўлди дегунча, қадамжой ва зиёратгоҳларга қарши ҳа-
ракат бошлардилар. Уларнинг бу хусусиятлари жойлардаги
партия идоралари ва маъмурий органлар раҳбарларига жуда
маъқул тушди. Бу раҳбарлар энди ақидапарастларни гоҳ
очиқ, гоҳ яширин йўл билан қувватлай бошлайдилар.

Шу даврда ақидапарастлик аҳоли орасида ҳам ёйила
бошлади. Лекин бунинг сабаби ақидапарастлар турли раҳ-
барлар томонидан қўлланганида эмас эди. Бу сабаблардан
биричиси аҳоли диний оқимлар ва мазҳаблар, уларнинг
ақоидлари ва ўзига хос хусусиятларидан мутлақо бехабар-
лигига эди.

Юқорида айтилганидай, диний уламоларнинг асосий қис-
ми 30-йиллардаёқ йўқ қилиб юборилган эди. Тирик қолган-
лари эса юрак олдириб қўйган бўлиб, ҳанафий мазҳаб қои-
даларини тарғиб қилишдан қўрқар эдилар. Ўша пайтдаги
Ўзбекистон Республикаси жиноят кодексининг 147-моддасида
диний тарғибот олиб борганлик учун бир неча йил қамоқ
жазоси белгиланган эди. Бу эса ақидапарастликнинг ёйили-
ши учун қулай мафкуравий шароит яратган эди. Чунки бун-
дай шароитда ёшлар ҳанафий мазҳаб, яъни ўзларининг ота-
боболари эътиқод қилиб келган мазҳаб тўғрисида жуда оз
тасаввурга эга эдилар. Коммунистик мафкуруни барчанинг
онғига сингдиромиз, деб уринган ком фирмә раҳбарлари ҳам
ўз мақсадларига эриша олмаётган эдилар. Матбуотда, газе-
та ва журналлар, китоблар, радио ва телевидениеда ком-
мафкура шарафига мадҳиялар айтилаётган бўлса ҳам, бу
мафкура кўпчилик дунёқарашини эгаллай олмаган эди. Бир
сўз билан айтганда, одамлар, хусусан, ёшлар онгига маъна-
вий бўшлиқ вужудга келган эди.

Иккинчидан, халқ орасида тўй ва аза билан боғлиқ ма-
росимлар жуда кўп бўлиб, ҳанафий мазҳаб уламолари улар-
га қарши етарли даражада тушунтириш ишлари олиб бор-
масдилар. 60-йилларнинг охиридан бошлаб, бу маросимлар
шунчалик кўп ва шунчалик исрофгарчилклар билан ўткази-

лардики, халқ оммаси шу муносабат билан анча қийинчилик сезаётган эди. Ҳанафий уламоларнинг кўпчилиги ўзларининг асосий вақтларини шу маросимларда ўтказишарди. Бу маросимлардан моддий манфаатдорлик кўриш оқибатида уламоларнинг аксар қисми уларга қарши кураш олиб боришни унчалик истамасди ҳам. Ваҳҳобийлар эса бу маросимларнинг барчаси бидъат ва исломга зид, деб эълон қилдилар. Бу эса аҳолининг анча қисмига маъқул тушди ва ваҳҳобийликнинг тарқалиши учун ижобий психологик асно яратилди.

Учинчидан, ваҳҳобийларнинг яхши уюшганлиги, уларнинг чел мамлакатлардаги диний ташкилотлар томонидан қўллаб турилиши бу оқимнинг муваффақиятли ёйилишига ёрдам берди.

Шундай қилиб, кўпчилик тасаввурода ашаддий атеист бўлиб барча динларга қарши курашган коммунистлар аслида ислом динидаги ҳанафий мазҳабга қарши кураш олиб борган ва ақидапараст оқимлар, жумладан, ваҳҳобийликнинг кенг тарқалиши учун шароит яратиб берган эдилар.

Баъзи мутахассислар фикрига кўра, ақидапараст гуруҳлар фаолияти Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритган дастлабки йилларда авж олиб кетди. Бу фикрга қисман қўшилиш мумкин. Бир тизимдан иккинчи тизимга ўтиш иқтисодиётда ва ижтимоий соҳада танглик, маънавиятда буҳронлар, қонунбузарлик ва жиноятчиликнинг ўсиши билан кечади. Чунки янги тизимнинг ҳуқуқий меъёрлари тўла ишланмаган бўлади. Бундан фойдаланган жиноятчи ва қонунбузарлар фаоллашиб қолади. Бизда ҳам шундай қилмоқчи бўлишди. Лекин орадан бир йил ўтар-ўтмас жиноятчиликнинг ўсиши тизгинланди, иқтисодий қулаш суръатлари пасая бошлиди. Бироқ диний эътиқод эркинлигининг амалда татъминланганидан ҳамда вужудга келган мағкуравий бўшлиқдан ақидапараст гуруҳлар ғаразли мақсадлар йўлида фойдалана бошладилар. Шундай қилиб, ҳозирги кунда мустақиллигимизга таҳдид солаётган ақидапарастлик илдизлари собиқ Шўролар тузуми қўйнига яширинган эди.

АҚИДАПАРАСТЛИКМІ ӘКИ ҲОКИМИЯТПАРАСТЛИК?

Ақидапарастларнинг диний ибодат тұғрисидаги гаплари, маросимлар ва бошқа мазҳаблар тұғрисидаги фикрлари бу оқим тұғрисида тұла тасаввур бера олмайды. Ақидапарастлар үзларини диннинг соғлиги учун, асл ислом учун курашчилар қилиб құрсатишга уринсалар ҳам, уларнинг туб мақсадларын бошқа томонда. Асрлар давомида бирон мамлакатни босиб олмоқчи бұлған мустабидлар бу мамлакатта тинчлик, бойлик олиб келмоқчи эканникларини, бу ердаги үзаро низоларга чек қўйиш учун келаётгандарини гапирганлар. Аслида, бу гаплар шу мамлакатдаги тинчликни йўқотиш, бойликларни ташиб олиб кетиш мақсадларини ниқоблаш учун хизмат қилган. Худди шундай ақидапарастлар ҳам диний эътиқоди «бузилган» ҳудудларга тоза, асл исломни олиб келиши ниқобида, ҳақиқатда эса сиёсий мақсадларни кўзлаб фаолият олиб борадилар. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун ақидапарастлар, хусусан, ваҳҳобийларнинг бошқа мамлакатларга кириб бориши тарихига бир назар ташлаш лозим.

Ваҳҳобийлик XVIII асрда Ҳижозда шаклланиб, ўз мавқеини мустаҳкамлаб олгач, бошқа ҳудудларга ҳам чиқа бошлаган эди. XIX асрда эса ваҳҳобийларнинг дастлабки юриши Қарбало шаҳрига бўлган. 1802 йилда бошланган бу юришнинг асосий мақсади йўлдан озган мусулмонларни ҳақиқий исломга қайтариш, бидъатларга барҳам бериш, деб эълон қилишганди улар. Лекин Қарбалога келишгач, бу мақсадларни амалга ошириш уларнинг ҳәёлига ҳам җелмади. Бу ерда ваҳҳобийларнинг қилган биринчи иши шу бўлдики, улар Имом Ҳусайн қабри устига олтиндан қурилган мақбарани бузиб, талашиб олиб кетишиди.

Ваҳҳобийларнинг юриши фақат олтин-кумушлар, бошқа бойликларни талаш билан чекланганда ҳам, бир нав эди. Улар мамлакатни талаганлари етмай, шаҳар аҳолисини қилинчдан ўтказишга киришдилар. Бир кун давомида, бир неча минг одам қатл этилди. Бу сатрларни ўқиган ўқувчи, бундай хунрезликлар тарихда кўп марта бўлган-ку, айни ваҳҳобийларга тўнкашнинг нима кераги бор, дейиши мумкин. Тұғри, бундай хунрезликлар кўхна тарихда кўп бўлган. Лекин бу нақаси кам бўлган. Ваҳҳобийлар шаҳарни ҳимоя қилмоқчи бўлган жангчиларни ўлдириш билан кифояланмай, кекса чол ва кампирларни, ёш болаларни тиғдан ўтказишган. Манбалар гувоҳлик беришича, ҳомиладор аёллар ҳам чавақланиб, ҳатто, уларнинг қорнидаги ҳомила ҳам ўлдирилган. Шу ваҳ-

шийликларнинг барчасини улар исломнинг соғлиги йўлида қилаяпмиз, дейишган. Аслида эса, уларнинг бу қилмишлари ислом дини шаънига доғ тушириш эди.

Бу маълумотлар фақатгина ваҳҳобийларга душманлик кўзи билан қаровчи мазҳаб вакиллари томонидан келтирилган эмас. Мазкур воқеаларни ўз кўзи билан кўрган чет элликлар, жумладан, буюк британиялик жосус Ж. Раймон ҳам тасдиқлайди.

Ваҳҳобийларнинг Карбалода қилган хунрезликлари, талончиликлари бир савол туғдиради. Наҳотки, диний ибодат масаласидаги бальзи мунозарали масалаларни ҳал қилиш учун шунчалик хунрезлик қилиш, қария-ю ёш болаларни, ҳаттоқи, она қорнидаги ҳомилани ҳам ўлдириш керак эди? Борингки, қариялар ваҳҳобийлар нуқтаи назаридан қараганда бидъатга берилиб кетишган эди, дейилса ҳам, унда ёш болалар, норасида гўдаклар, она қорнидаги ҳомилаларнинг гуноҳи нима эди? Ва, ниҳоят, ваҳҳобийлар ҳақиқатан ҳам диннинг соғлиги учун курашган бўлсалар, бу мақсадга эришиш учун Карбалони талон-торож қилиш, минглаб туяларда бойликларни олиб кетишни ҳам асил ислом ғояси тақозо қилганмиди? Бу саволга жавоб битта: асл ислом ҳеч қачон одамларни, қария ва ёш болаларни ўлдиришни ўргатмаган ва талаб қилмаган. Ислом ниқоби остида бундай ишларни қилганлар аслида ислом дини душманлариdir. Улар ўзларининг бундай қилмишлари билан бошқа мазҳаб вакиллари кўз ўнгida фақатгина ваҳҳобийликни эмас, балки жаҳон афкор оммаси олдида бутун ислом динини обруқизлантирилар.

Юқорида ваҳҳобийлар Карбалога юриш қилиб қанчалик талон-торож ва хунрезлик билан шуғулланғанлари, Имом Ҳусайн мақбарасини шип-шийдам қилганларини баён этдик. Орадан бир йил ўтар-ўтмас, бой ўлжаларнинг хумори тутиб улар Карбалога иккинчи юришни бошлидилар. Бу юришда ҳам минглаб одам сўйилди ва чопилди. Бу сафар ваҳҳобийлар Имом Ҳасан мақбарасидаги безаклар ва бойликларни ўмаришди. Бу юришни ҳам улар жиҳод, деб атадилар. Холбуки, жиҳод бегуноҳ одамларни ўлдириб босқинчилек қилиш учун эмас, эътиқод учун амалга оширилиши керак эди. Карбалога қилинган иккала юриш ҳам ваҳҳобийлар эътиқодни мутлақо унутиб, босқинчилек, талончилик ва жаллодлик билан шуғулланганларини кўрсатади. Ислом ақидапарастлари фақат араб ярим оролида эмас, бошқа ҳудудларда ҳам экстремистик фаолият олиб боришар экан, жанг-у жадалларда,

деярли, ҳар дөнм эътиқод масаласи ёдларидан кўтарилиб, талон-торож ва босқинчиликка берилиб кетишган. Масалан, Ҳиндистондаги ақидапараст ваҳҳобийлар, яъни валиуллолар салкам икки юз йилдан буён сикхларга қарши курашишади. Шу икки юз йилдан буён эътиқод учун кураш ниқоби билан қоп тўкишади, босқинчилик қилишади. Бу ўринда шуни ҳам таъкидлаш лозимки, валиуллолар билан сикхлар ўртасидаги жангларда фақат ислом ақидапарастлари айбдор-у, сикхлар мусичадай беозор одамлар, деб бўлмайди. Сикх ақидапарастлари ҳам жангариликда валиуллолардан ўтиб кетишга ҳаракат қилмоқдалар. Улар ҳам сиртдан қараганда ўз эътиқодлари учун ҳаракат олиб борсалар-да, кўпинча, эътиқод эсдан чиқиб, талон-торож ва хунрезликка берилиб кетадилар. Бу икки ақидапараст гуруҳлар жангига ўтган асрда қилич, ханжар, пичноқ сингари қуроллардан фойдаланилган бўлса, ҳозир улар динамит, гранат, пулемёт, автомат ва бошқа замонавий қуроллардан фойдаланмоқдалар. Бу эса ҳалок бўлган ва яралангандар сонини кескин ошириб юбормоқда.

Диний ақидапарастлар фаолиятига Яқин Шарқ мамлакатларидағи муносабатни таҳлил қилинса, араб мамлакатларининг, деярли, барчасида ақидапараст гуруҳлар фаолияти ман қилингани кўзга ташланади. Мисрда эса экстремист ақидапарастлар қўлга олинса, уларнинг ишини фуқаролик судларида эмас, ҳарбий трибуналда кўрилади. Бунинг сабабини аниқлаш мақсадида мисрлик мутахассислар билан мулоқотга киришдик. Улар бундай ҳолнинг сабаби диний ақидапараст гуруҳлар диний гуруҳ сифатида эмас, кўпроқ ҳарбий гуруҳ сифатида фаолият олиб боришида, деб изоҳлашди. Уларнинг айтишича, ақидапараст экстремистлар фақат ҳарбий гуруҳ сифатида эмас, яшириň разведкачилар гуруҳи сифатида ҳам хуфя иш олиб боришар экан. Шуларни ҳисобга олиб, Миср раҳбарлари жиноятчи ақидапарастлар ишини фуқаролар судларида эмас, ҳарбий трибуналда кўриш мақсадга мувофиқ, деб топишибди.

Ваҳҳобийликнинг бошқа минтақаларга тарқалиш тарихи ҳам урушлар, хунрезликлар, қатағонлар ва зўравонлик асносида кечган. Бу оқим Арабистон ярим оролидан четга чиқар экан, даставвал Ҳиндистонда кенг ва чуқур томир отди. Валиуллолар ҳаракати номини олган бу ҳаракатнинг Ҳиндистондаги тарихи юқоридаги бобларда айтиб ўтилди. Бу ўринда биз ваҳҳобийлар келгунига қадар аҳён-аҳёнда юз бериб турган Ҳиндистондаги мусулмонлар ва сикхлар ўрта-

сидаги жанжаллар, мана, салкам икки юз йилдирки, мунтазам бұлаётган жаңгларга, түқнашувларга айланиб кетганини таъкидламоқчимиз. XIX аср бошларида валиуллолар «шарофати» билан бошланған бу жаңглар XX аср сұнгидә ҳам сұнмай, давом этмоқда.

Ваҳҳобийликнинг бизга құшни мамлакатларда илдиз отишига назар ташланса, бу оқим Афғонистонда жуда сеқинлик билан ёйилгани құзға ташланади. Асримизнинг сұнгги чорагигача бу оқимнинг баъзи қоидалари Афғонистондаги ҳанафий мазҳабға мансуб ахоли ўртасида алоҳида оқим сифатида әмас, аксина, алоҳида қоидалар тарзидә ушбу мазҳаб қоидаларига таъсир күрсатып келди. Лекин бу таъсир жуда секин ва өзегараланған күламда юз бергани учун уни бу ўринде алоҳида таҳлил қилиб ўтирумаймиз. Бу оқим Афғонистонда кескин ва бирдан тарқала бошлаган давр — XX асрнинг сұнгги чораги ва, айниқса, кейинги ўн йиллик алоҳида таҳлил талаб қиласы.

1979 йил сұнгидә совет құшинлари Афғонистонға бостириб кирған экан, шүроларнинг бу ҳарақати фақат мағкура ва сиёсий тузумни әмас, даҳрийликні ҳам Совет Иттифоқидан Афғонистонға «экспорт» қилишни назарда тутган әди. Советларнинг ноғорасига ўйнаган Афғон раҳбарлари даҳрийликни очиқ шиор қылмаган бўлсалар ҳам, уларнинг фаолияти дин ва уламолар фаолиятини чеклашга қаратилған әди. Шунинг учун ҳам уларга қарши партизанлик уруши олиб бораётган афғон мужоҳидлари бу ҳолатдан усталик билан фойдаландилар ва құғирчоқ тузумга қарши ислом байроғи остида кураш олиб бордилар.

Афғонистондаги урушнинг чўзилиб кетиши, аҳолининг ислом байроғи остида қаршилик күрсатиши совет раҳбарлари олиб бораётган тактикани ўзгартиришни тақозо қилди. Энди улар оддий афғонлар орасида совет тузуми динга ҳеч қандай монелик қымаслиги ва виждан эркинлигини амалда таъминлагани түғрисида тасаввур ҳосил қилиш учун афғон уламолари ва диндорларини кўплаб Ўрта Осиё республикаларига олиб кела бошладилар. Бу делегациялар, асосан, Ўзбекистонға олиб келинди. Чунки ўша пайтда (80-йилларнинг бошларида) Ўзбекистонда 80 дан ортиқроқ масжид рўйхатдан ўтган бўлиб, ўша давр раҳбарлари назидада бу миқдор анча кўп әди. Ўрта Осиёдаги бошқа республикаларда эса рўйхатдан ўтган масжидлар сони жуда оз әди, Ўзбекистонға келган афғон диндорлари делегациялари фақат баъзи шаҳар ва вилоятларга олиб бориларди, холос. Улар, жумладан, Са-

Марқанд, Андижон, Тошкент вилоятлари ва Тошкент шаҳрида бўлишарди, чунки республикадаги расмий масжидларнинг, деярли, ярми Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида фаолият олиб бораётган бўлса, Андижон вилоятида 7 ва Самарқанд вилоятида 4 масжид бор эди. Бошқа вилоятлардаги масжидлар сони бундан ҳам оз эди.

Афғонистонлик диндорлар делегациялари келиши кўзда тутилган масжидларда алоҳида тайёргарлик кўрилар, меҳмонларнинг мажеус йўриқнома олмаган, ғоявий «ишончли» бўлмаган одамлар билан сўзлашишлари, мулоқот қилишлариға йўл қўймаслик учун ҳаракат қилинарди.

Афғонлар Совет Йиттифоқида кўрган амалдаги «виждон эркинлиги» шўролар кутган натижани бермаса ҳам, шароитни бир оз юмшатишга хизмат қилди.

Қизиги шундаки, совет қўшинлари киргунга қадар диний ақидапарастлик Афғонистонда унча сезилмаган бўлса, энди бу таъсир тез кучая бошлади. Бунинг сабаби эса қўғирчоқ ҳукумат ва совет қўшинларига, ислом байроғи остида кураш олиб бораётган мужоҳидларга четдан ёрдам кела бошлади. Бу ёрдам, аввало, мусулмон давлатларидан қурол-яроғ, озиқовқат шаклида берилиди. Шу билан бирга, тарих бир неча бор гувоҳлик берганидай, экстремал ҳолатларда, жумладан, иқтисодий қийинчиликлар ва урушлар шароитида диний ақидапарастлик кучайиб кетади.

Афғонистонда ҳам худди шундай бўлди. Мужоҳидлар ақидапараст оқимлардаги муросасизлик, жангарилик сингари сифатларни олиб, уни тарғиб қила бошладилар. Чунки улар фаолият олиб бораётган шароитда худди шу сифатлар қўл келарди.

Ҳукмрон тузумга мухолифатда бўлган Г. Ҳикматёрнинг «Афғонистон ислом партияси» ва Б. Раббонийнинг «Афғонистон ислом жамоаси» партиялари «мусулмон биродарлар» каби ақидапараст жангариларнинг кучли таъсирида эдилар. Бу жангарилик ва ақидапарастлик улар ҳокимият тепасига келиши билан очиқ намоён бўлди. Масалан, 1992 йил апрел ойида мужоҳидлар Қобулни қўлга киритишгач, барча ҳокимият органларини тарқатиб юборишли, университет ёпилди, аёлларнинг ҳижобсиз юриши ман қилинди.

Б. Раббоний мусулмон уламоларига шариат асосида Конституция лойиҳасини яратиш топширилишини айтиди. Раббоний чиқарган декретда шариат судлари тикланиши эълон қилинди.

Г. Ҳикматёр Бош вазир бўлган даврда ҳам бир қатор ақи-

дапарастлик тадбирлари амалга оширилди. Жумладан, Ҳикматёр 1996 йил ёзида Қобул шаҳридаги барча кинотеатрларни ёпишга ва исломий кинофильмлар яратилмагунича, уларни очмасликка буюрди. Шунингдек, у радио ва телевидениеда дунёвий мусиқа ва ашуалалар берилишини ҳам таъқиқлади. Г. Ҳикматёр амалга оширган «янгилик»лардан яна бири шу бўлдики, барча амалдорлар ва давлат хизматчиларининг хулқи ислом қоидаларига тўла мос бўлиши асосий талаб қилиб қўйилди. Қўриниб турибдики, Б. Раббоний ҳам, Г. Ҳикматёр ҳам XX асрнинг сўнгги ўн йилларни талабларйни ҳисобга олмай, ақидапарастлик руҳида фаолият олиб бордилар. Масаланинг бундай қўйилиши бошқа бир савонни туғдиради, яъни Г. Ҳикматёр ва Б. Раббонийлар ҳам ақидапараст бўлсалар, нега уларни бошқа ақидапарастлар — толиблар ағдариб ташладилар? Гап шундаки, Г. Ҳикматёр ва Б. Раббонийлар, таъбир жоиз бўлса, «юмшоқроқ» ақидапараст эдилар. Уларнинг ақидапарастлиги даражасидан қониқмаган ашаддий ақидапарастлар, яъни толиблар уларга қарши ҳаракат бошладилар ва ағдариб ташладилар.

Шундай қилиб, собиқ Совет Иттилоқининг даҳрийликни Афғонистонга олиб кириш йўлида қилган ҳаракати акс таъсир берди ва ақидапарастликнинг кучайишига катта туртки бўлди. Соатнинг капгири бир томонга қанча кўп оғса, кейин қарши томонга ҳам шунчалик кучли оғади. Афғонистонда ҳам худдӣ шундай бўлди. Диний ҳаёт осойишта кечаетган Афғонистонда даҳрийликни ўрнатишга уриниш шу осойишталикни бузди. Бузганда ҳам, шу даражада нотинч қилдики, энди бу ерда даҳрийлар у ёқда турсин, мўътадил мусулмонларнинг ҳам ҳаёт кечириши қийинлашиб қолди. Бу ерда шундай тартиблар ўрнатилдики, одамларнинг ташқи кўринишидан тортиб юриш-туришигача маҳсус полиция отрядлари томонидан кузатиладиган бўлди. Кузатганда ҳам, полициячилар ўша ташқи кўриниш ва хулқ-атворни баҳолаш учун «асл ислом», яъни бундан XIII аср аввал мавжуд бўлган исломни асос қилиб олдилар.

Толиблар аҳоли томонидан исломнинг беш рукни сўзсиз бажарилишидан ташқари, кийим-кечак, овқатлар, ташқи кўриниш ҳам ислом талабларига тўла мос бўлишини талаб қилмоқдалар. Полициячиларнинг кўзига кўчадаги бирор кимсанинг соқоли мўлжалдагидан қисқароқ кўринса, уни ҳамманинг кўзи ўнгидаги калтаклаш учун шунинг ўзи кифоя.

Афғонистонда фаолият олиб бораётган чет эл журналистлари толиблар назоратидаги вилоятларда беш вақт намозни

канда қылғанлыги учун ёки ўз вақтида ўқимагани учун үнлаб, ҳатто, юзлаб мусулмонлар калтакланаётгани тұғрисида хабарлар бермоқдалар.

1997 йилда Қобул шаҳрида «Фуқаролар ҳаётини тартибга солиш бүйічә талаблар мажмуй» әълон қилинди. Үнга күра, «барча мусулмонлар ҳар куни беш вақт аз он айтилишига чорак соат қолғанда, ҳар қандай ишларини тұхтатиб масжидға шошилишлари керак». Акс ҳолда улар ҳибсга олинадилар. Шу йилнинг декабр ойида Қобул полициячилари янги топшириқ олди. Үнга күра бир кунда иккى марта, яъни кундузги пешин ва аср намози пайтларидан полициячилар шаҳардаги ҳамма дүкөнлар, бозорлар, банклар, барча муассаса ва ташкилотларнинг ёпилишини назорат қилишлари, шу орқали бутун аҳолининг масжидда намоз ўқишини таъминлашлари лозим эди.

Толиблар ҳокимият тепасига қелгач, ўзлари үрнатған тартибга бүйсунишни истамаган, уларнинг қоидаларини инкор қилишга уринаётган барча фуқароларни «ислом душманлари» деб әълон қилишди. Бу ҳам ақидапарастликка хос бұлған ашаддий муросасизликнинг бир күриниши эди. Аслида, «ислом душманлари» деб аталған одамларнинг асосий күпчилиги исломга әмас, мутаассибликка, ақидапарастликка қарши одамлар эди.

Ақидапараст толиблар фаолиятини таҳлил қилиш шуни күрсатадыки, мұхолифатда бұлған даврларida уларнинг асосий шиори ислом динининг соғлиғи учун кураш эди. Ҳокимият тепасига келғанларидан кейин эса уларнинг асосий мақсади шу ҳокимиятни сақлад қолиш бұлды. Диний ақидалар эса шу мақсадаға әришиш йўлидаги никоб эди.

Ақидапарастлар ҳукмронлиги шуни күрсатдыки, уларнинг асосий мақсади ҳокимият тепасига келиш бұлғаны билан, бу мақсадаға әришгач, ҳокимиятни құлда сақлад қолиш, давлатни, иқтисодиётни бошқариш учун уларда на билим, на ла-әқат борлиги маълум бұлды. Ўзларининг тасарруфидаги туманлар ва вилоятларга толиблар муллаларни бошлиқ қилиб қўйдилар. Бу муллалар ўзлари бошлиқ бұлған ҳудудларда уламолар кенгашларини туздилар. Бу уламолар кенгashi эса фақат аҳолининг ислом арконларига риоя қилишини назорат қилиш билан шуғулланарди. Саноат, қишлоқ хўжалиги, бутун иқтисод издан чиқиб кетди. Маориф, соғлиқни сақлаш ва маданият чуқур инқизорзга учради.

Толибларнинг фармонлари билан аёлларнинг ишлаши, ўқиши ман қилинди. Маориф ва соғлиқни сақлаш муассасаса-

ларида эса, асосан, аёллар ишларди. Толиблар чиқарган фармоналар, бир томондан, маориф ва соғлиқни сақлаш мусассасаларининг ишини фалаж қилса, иккинчи томондан, ишсиз қолган аёлларнинг оиласарини йўқсиликка маҳкум этди. Узоқ давом этган урушлар туфайли кўп аёллар бева қолгани назарда тутилса, уларнинг оиласари очликка гирифтормилингани маълум бўлади.

Тиббий ҳамшираларсиз қолган шифохоналарда ишлатган европалик врачларнинг ҳам кўпчилиги ҳибсга олинди ёки уларга тан жазоси берилди. Уларга, асосан, бир айб қўйилди. Бу айб — уларнинг номаҳрам аёл билан бир хонада бўлганлари эди. Шундай ҳам айтиш жоизки, уларнинг айби ўша аёллар билан бирор яқинлик қилганларида эмас, фақат беморларга ёрдам кўрсатиш учун бир хонада бўлганларида эди.

Толиблар ўзларини ашаддий ислом тарафдорлари, мусулмончилик қоидаларини заррача бузувчиларга қарши аёвсиз кураш олиб борувчилар қилиб кўрсатмоқчи бўлсалар ҳам, аслида уларнинг фаолияти жуда кўп ислом қоидалари оёқ ости бўлишига олиб келди. Жумладан, гиёҳванд моддалар ислом динида қатъий қораланишига қарамай, уларни етиштириш ва истеъмол қилиш толиблар ҳукмронлиги даврида бекиёс даражада ортиб кетди.

Чет эллик журналистлар ва мутахассислар таъкидлашича, толиблар ҳокимият тепасига келгунларича Афғонистонда гиёҳванд моддалар кўп етиштирилган ва истеъмол қилинган. Толиблар ҳам дастлабки даврда ўзларининг гиёҳвандликка қарши эканликларини баён қилиб, наша экилган бир қанчадалаларни пайҳон қилиб ташладилар. Лекин кейинчалик гиёҳванд моддалар четдан валюта келишига сабаб бўлиши мумкинлигини билгач, гиёҳвандликка қарши курашни тұхтатдилар. Бу соҳада уларнинг фаолияти гиёҳванд бўлиб қолган беморларни даволаш билан чегараланадиган бўлди. Бу ишни даволаш деб аташ ҳам қийин. Гиёҳвандликни даволашда толиблар кашф қилган «усул» шундан иборат эдик, бундай беморларни қишин-ёзин ҳар куни совуқ сувга уч марта пишар эдилар. Айтиш керакки, бу усулларнинг бераҳмлиги бироз натижага ҳам берди. Чет эл журналистларининг айтишича, айниқса, қиши пайтларида гиёҳвандларнинг сони толиблар ҳукмрон бўлган ҳудудларда кескин камаяр экан. Лекин мамлакатда гиёҳвандликни камайтирмоқчи бўлганлар, аввало, гиёҳванд моддаларни йўқ қилиш чораларини кўриши керак.

Толиблар эса гиёхвандларни сувга пишиб даволасалар-да, гиёхванд моддаларнинг бир қатор турларини етиштиришга кенг шароит яратдилар.

Толиблар наша етиштириш ва чекишга қарши курашни бўшаштирмаган бўлсалар ҳам, кўкнор етиштиришга қарши мутлақо курашмадилар. Чунки бу экин кучли гиёхванд модда—афюн олишда асосий хомашё бўлиб, четга кўп экспорт қилинар эди. Бу экинни ман қилиш у ёқда турсин, толиблар кўкнорзорларга 10 фоизлик имтиёзли солиқ жорий қилдилар. Энди бу экин пахта, буғдои, узум сингари анъанавий қишилоқ хўжалиги экинларини ҳам сиқиб чиқара бошлади. Қандаҳор, Гилманд, Нангархар, Нимрӯз каби вилоятларда кўкнори асосий экинга айланаб қолди. Шу ҳол ҳам толиблар ислом аҳкомларини қанчалик «ҳимоя» қилаётганларини кўрсатади.

Ақидапарастларнинг асосий мақсади соф ислом қоидаларини ўрнатиш эмас, ҳокимият учун курашиш эканлигини фагат Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатлари тарихигина эмас, МДҲга аъзо мамлакатлар тарихи ҳам кўрсатади. Жумладан, МДҲга аъзо бўлмаса ҳам, унинг доирасига кирган Чеченистанда ваҳҳобийларнинг тарқалиши шунга мисол бўла олади.

90-йилларгача Чеченистанда ваҳҳобийлик тўғрисида жуда кам одамлар тушунчага эга эдилар. Бу ердаги тубжой аҳоли ислом динининг ҳанафий мазҳабига мансуб эди. Шу билан бирга, сўфийлик тариқатлари кенг тарқалган эди. Нақшбандия ва қодирия тариқатлари аҳолининг асосий қисмини қамраб олган эди.

Нақшбандия оқими бу ерда XIX асрнинг бошларида тарқала бошлаган ва унинг тарғиботчиси мулла Муҳаммад исмли киши эди. Имом Шомил ва Фози Муҳаммадхон даврларида Нақшбандия тариқатида кўплаб муридлик гурухлари пайдо бўлди. Бу тариқат тарафдорлари Русия истибододига қарши аҳолини ғазовотга чорлар эди.

Қодирия тариқатини Чеченистанда Кунта ҳожи исмли шахс тарғиб қилиб, унинг тарафдорлари «зикрчилар» номини олишган эди. Ибодат масалаларида бу икки тариқат орасида тафовут кам эди. Нақшбандия тарафдорлари зикр пайтида Оллоҳнинг номини паст овоз билан, ўтириб ёки жойларида турган ҳолда айтсалар, қодирия тарафдорлари такбирни баланд овоз билан, қарсак чалиб ва доира бўйлаб ҳаракатланган ҳолда айтардилар.

Тариқатлар ўртасида ибодат бобида тафовут унча катта бўлмаса ҳам, сиёсий масалада улар кескин фарқланарди-

лар. Нақшбандия аъзолари русларга қарши ғазовотга чақиришса, зикрчилар русларни енгишга кўзи етмагани учун пессимиристик кайфиятга тушган, уларнинг етакчиси Кунта ҳожи сабр-тоқатли бўлиш, ёмонликка яхшилик билан жавоб беришга, қон тўқмасликка чақиради.

Тарихчиларнинг фикрича, Қавказдаги Русия маъмурияти бу икки тариқатнинг фарқини етарли даражада англаб етмагани учун зикрчиларни эмас, нақшбандия тарафдорларини қўллай бошлади. 1817—1864 йилларда, 50 йилга яқин давом этган Қавказ уруши тугаганидан кейин ҳам нақшбандийлар бир қатор имтиёзларга эга бўлдилар. Расмий Диний бошқарма ҳам фақат нақшбандия тарафдорларидан ташкил топган эди. Лекин, шуни ҳам эсда тутиш керакки, Қавказ уруши давомида нақшбандия раҳбарлари ғазовотга очиқ чакириш, рус чоризми билан очиқ жанг олиб бориш йўлидан воз кечган эди.

Қавказдаги рус маъмурияти турли йўллар билан нақшбандия ва қодирия тариқатлари ўртасидаги зиддиятни кучайтириб, чеченларнинг бирлашишига йўл қўймаслик учун ҳракат қиласади. Уларнинг бу ҳракати зое кетмади.

Бир қатор имтиёзларга эга бўлган нақшбандия тарафдорлари орасидан кўпроқ бойлар ва савдогарлар чиқди. Савдогарлар эса Русия билан савдо-иқтисодий алоқаларнинг ривожланишидан манфаатдор эдилар.

Октябр тўнтариши даврида бадавлат нақшбандийлар Советларга қарши кескин кураш олиб бордилар. Камбағал зикрчиларнинг асосий кўпчилиги эса Шўролар томонига ўтиб, оқ гвардиячиларга қарши кураш олиб бордилар. Лекин, орадан кўп ўтмай, 20-йилларнинг ўрталари ва охирида ОГПУ ходимлари муллаларни қирғин қила бошлади. Қатағонлар давомида большевиклар ким зикрчиларга, ким нақшбандийларга тарафдор эканини суриштириб ўтирмай, юзлаб имомлар ва уламоларни отиб ташлади. Ислом дини ва тасаввудан озроқ бўлса ҳам хабардор уламолар, деярли, қолмади. Масжидлар ва зиёратгоҳлар бузиб ташланди. Бу эса мусулмонлар қалбида норозилик уйғотди. 20-йилларнинг охири ва 30-йилларнинг бошларида бир қатор овулларда қизилларга қарши исёнлар бўлиб ўтди. Бу исёнлар шафқатсизлик билан бостирилди. Кейинроқ, Иккинчи жаҳон уруши даврида, зикрчиларнинг ҳам, нақшбандийларнинг ҳам қолган-қутганлари Чеченистоннинг тубжой аҳолиси билан бирга Қозоғистонга сургун қилинди.

Қозоғистонда зикрчилар ва нақшбандийлар фаолияти мутлақо йўқ бўлмаган. 50-йилларнинг охирида улар ўз ватнларига қайтгач, бу тариқатлар яна жонлана бошлагани алоҳида тадқиқот мавзуи. Шуни таъкидлаш лозимки, ҳар иккى тариқат етакчилари ва уламолари, деярли, қириб тугатилган бўлса ҳам, аҳоли орасида эътиқод яшайверди. Лекин бу эътиқод аввалгида уламолар бошчилигига эмас, кўпроқ ислом бўйича етарли билимга эга бўлмаган имомлар раҳбарлигига яшади. Бу эса кейинчалик четдан турли диний оқимлар, жумладан, ақидапараст оқимларнинг кириб келиши учун қулай шароит яратди.

Чеченистондаги сиёсий жараёнларга ваҳҳобийларнинг кириб келишини таҳдил қилиш учун у ерда 90-йилларнинг бошида мавжуд диний ва сиёсий вазиятга бир назар ташлаш лозим.

1991 йил август ойида Ж. Дудаев Чечен-Ингуш автоном республикасида ҳокимиятни қўлга олгандан кейин халқнинг сиёсий ҳайриҳоҳлигига эришиш учун диний-миллий шиорлардан кенг фойдаланди ва руҳоний, уламолар билан яқинлаша бошлади. Ю. Сосламбековнинг гувоҳлик беришича, Ж. Дудаев «ўзини ҳақиқий коммунист ва атеист, деб танитиб юрган. Ҳатто, КПСС тарқатиб юборилгандан кейин ҳам, у ўзининг коммунистлигига қолганини баён қилган». Ана шундай ашаддий коммунист ва атеист энди диний уламолар билан яқинлашиш йўлини ахтара бошлади.

Даставвал Ж. Дудаев зикрчиларни қўллаб-қувватлаб, нақшбандия тарафдорларига тазиқ үтказа бошлади. У ўзини Кунта ҳожининг издоши, қодирия тариқатининг содиқ аъзоси, деб эълон қилди. Ж. Дудаевнинг акаси Бекмирза ҳақиқатан ҳам қодирия тариқатига мансуб бўлиб, Вис-ҳожи гуруҳига аъзо эди. Бу ҳол зикрчилар Ж. Дудаевни тўла қўллаб-қувватлашлари учун замин яратди.

Ж. Дудаев ва унинг тарафдорлари тазиқи остида Чеченистон мусулмонлари муфтийси, нақшбандия тариқатига мансуб М. Арсанукаев истеъфога чиқиб кетди. Унинг ўрнини қодирия тариқатидаги зикрчи М. Таркаев эгаллади. Лекин кўп үтмай, у ҳам кўп масалаларда Ж. Дудаев билан келиша олмай, муфтийлик лавозимини ташлаб кетди. Шу даврда Грознийда Ислом маркази тузилди ва унга қодирия тариқатидан Муҳаммад Ҳусайн Алсабеков бошлиқ этиб тайинланди.

М. Алсабеков муфтият ва унинг раҳбарларини сотқинликда, исломга ва чечен халқига хиёнат қилишда айблади. Шу

орада Чеченистон мусулмонлари диний бошқармаси яна фоалият бошлади ва М. Алсабеков муфтийлик лавозимига ўтириди.

Грознийдаги Ислом институтига ректор қилиб зикрчи М. Х. Насухонов тайинланди. Ж. Дудаевнинг диний ишлар бўйича маслаҳатчиси лавозимига ҳам зикрчи А. Эскиев тайинланди. Шундай қилиб, зикрчилар энг юқори диний ва дунёвий лавозимларни эгалладилар. Нақшбандия тариқати эса мухолифатга ўтди.

1994 йил декабрида Россия билан уруш бошланди. 1995 йилда Чеченистон мусулмонлари диний бошқармаси муфтийси лавозимига М. Арсанукаев қайтиб келди. Мана шундай мураккаб диний вазиятда ваҳҳобийларнинг таъсири кескин кучая бошлади.

Дастлабки ваҳҳобийлар Чеченистонда 90-йилларнинг бошида йайдо бўлдилар. Ислом уйғониш партиясининг Чеченистондаги етакчиси бўлган А. Дениев ўша даврда зикр ва муридликни бидъат деб эълон қилди. Ваҳҳобийликнинг бу гояси икки диний оқимнинг ўзаро тортишувларидан зериккан баъзи одамларга маъқул туша бошлади. Бунинг устига, чечен қўшинлари сафида Русияга қарши араб ва афғон мужоҳидлари ҳам кураш олиб бораётган эдилар. Бу мужоҳидларнинг тарғиботи ҳам сўфийларга қарши қаратилган бўлиб, ваҳҳобийликнинг кучайишига олиб келди.

Чеченистондаги дала командирлари орасида энг машҳурларидан бири — Ҳаттоб ҳам Афғонистонда мужоҳидлар уруши тажрибасига эга бўлиб ваҳҳобийликка мансуб эди. Кўпчилик журналистлар ва мутахассисларнинг фикрича, Ж. Дудаев, З. Яндарбиев ва М. Удуговлар ҳам ваҳҳобийларга ён босгандар.

80-йилларнинг охири ва 90-йилларнинг бошларида Покистон, Миср, Саудия Арабистони каби мамлакатларга диний таълим олиш учун борган чеченистонлик ёшларнинг кўпчилиги ҳам юртига ваҳҳобийлик таъсирига тушиб қайтдилар ва ақидапаастликни тарғиб қила бошладилар.

Чеченистондаги мураккаб диний вазият яна ҳам чигаллашиб кетди. Энди аввал ўзаро кураш олиб бораётган нақшбандийлар ва қодирийлар бир томон, ваҳҳобийлар бир томон бўлиб қолдилар. Ж. Дудаевнинг бу тортишувда ваҳҳобийлар томонини олишига сабаб — у ягона Ичкерия давлатини тузмоқчи эди. Ягона давлатга эса ягона мафкура керак эди. Шунинг учун ўзаро курашаётган тариқатларни ваҳҳо-

бийлар енгишига кўзи етган Ж. Дудаев уларга ён босган. Ҳар ҳолда, Ж. Дудаев ҳукмронлиги даврида Грозний телевидениесида ваҳҳобийликни тарғиб қилувчи кўплаб фильмлар ва кўрсатувлар намойиш әтилди. Матбуотда ҳам шундай руҳдаги мақолалар эълон қилинди.

90-йилларнинг иккинчи ярмида ваҳҳобийлик тасаввуф тариқатларидан устунлик қила бошлади. Бу устунлик фақат масжид ва мадрасаларда эмас, давлат идоралари, ҳокимият органларида ҳам сезила бошлади. 1996 йилда З. Яндарбиев кучга киритган Ичкерия Чечен Республикаси Жиноят кодексида ҳам «Давлат мустақиллиги ва қонунчилик шариат асосида мустаҳкамланади», деб ёзиб қўйилган.

Бир қатор мутахассисларнинг фикрига кўра, «Ичкерия жиноят кодекси Судан жиноят кодексининг айнан таржимасидир». Бу Кодекс 1996 йилда кучга кирган бўлса ҳам, аслида, 1995 йилдан бошлаб бир қатор овул ва қишлоқларда шариат судлари иш бошлаган эди. Шариат талабларини бузган бир қатор одамлар кўпчилик олдида уламолар ҳукми билан жазоланган эдилар.

Ваҳҳобийларнинг зикрчилар билан курашда қанчалик мустаҳкам позицияга эга бўлганликларини шундан ҳам билса бўладики, ҳатто, собиқ муфтий М. Алсабеков зикрга қатнашгани учун қўлга олиниб, Грозний шаҳрида оломон олдида 80 дарра уриш билан жазоланган эди. Чеченистондаги машҳур қўшиқчи Анти Далхадов эса диний бўлмаган ашулани ижро қилгани учун халойиқ олдида 80 дарра билан жазоланди. Дарралар зарбидан у ҳалок бўлди.

Ваҳҳобийликнинг Чеченистондаги суфийлик тариқатларидан устун кела бошлагани сабабларидан бири, бир томондан, ҳукмдор доираларнинг уларга ён босгани бўлса, иккинчи томондан, баъзи мусулмон мамлакатларидаги ақидапа-растларнинг уларга мунтазам молиявий ёрдам кўрсатиб турганидир. Лекин, тариқатлар чекингани билан, бу уларнинг тўла мағлубиятга учраганини билдиrmайди.

Ваҳҳобийликнинг жуғрофий жиҳатдан бизга яқин ва узоқроқ мамлакатларда тарқалиш тарихи бу оқим нафақат сиёсий тортишувлар, мунозаралар ва беқарорлик кучайган ҳудудларда тарқалишини, балки ўзи ҳам ана шу беқарорлик ва нотинчликни келтириб чиқаришини кўрсатади. Бундан ташқари, ваҳҳобийлар ўзларини фақат исломнинг соғлиги учун, бидъатларга қарши курашувчи ҳақиқий мусулмонлардай кўрсатишга уринсалар ҳам, аслида, бу оқим, аввало, сиё-

сий оқимдир. Бу оқим қаерда тарқалған бұлса, үша ерда юз берган воқеалар күрсатады, унинг тарафдорлари дастлаб фақат диний масалаларни, муаммоларни күттарғандай күринадилар. Уларнинг мавқеи шу ҳудудларда бир оз бұлса ҳам мустаҳкамланди дегунча, улар сиёсий масалаларни күттарадилар ва ҳокимият учун кураш бошлайдилар. Бундан, дастлабки даврда уларнинг сиёсий мақсадлари бўлмаган, деб хулоса чиқариш нотўғри бўлади. Аввалданоқ уларнинг асосий мақсади ҳокимият учун кураш бўлади. Лекин бу мақсадни улар сир тутадилар. Ҳатто, ўzlари томонга оғдириб олган янги сафдошларига ҳам бу ҳақда индамайдилар. Фақат унинг ақидапараст бўлганига тўла ишонч ҳосил қилганларидан кейингина, бу мақсадларидан уни воқиф этадилар. Уларнинг даъват қилиш ва ўз томонларига янги тарафдорларни тортиш тактикаси шундан иборат. Ўзбекистонда ҳам уларнинг ана шу тактикаси намоён бўлди.

Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритгач, иқтисодий ва ижтимоий соҳаларда чуқур ислоҳотлар амалга оширила бошлади. Ислоҳотларнинг дастлабки йилларида жиддий қийинчиликлар, танглик мавжуд бўлгани учун баъзи фуқаролар, айниқса, ёшлар онгида танланган йўл тўғрилигига шубҳа ҳам пайдо бўлди. Мана шу иккиланиш ва юқорида баён қилинган диний онгдаги бўшлиқ ҳолатидан ақидапарастлар усталик билан фойдаланмоқчи бўлдилар.

80-йилларнинг иккинчи ярмида ўз ҳаракатлари, даъват ва тарғиботларини фаоллаштира бошлаган ваҳҳобийлар ўзларини мусичадек беозор кўрсатмоқчи бўлдилар. Уларнинг муқаддас жой ва зиёратгоҳларга, маросимлардаги ортиқча харажат ва исрофгарчиликка қарши курашини, юқорида айтилганидек, аксар маҳаллий раҳбарлар қўллаб-қувватладилар. Бу эса уларнинг оёққа туриб олишига ёрдам берди. Энди улар ҳанафий мазҳаб билан олиб борилаётган мунозара ва даҳанаки жанглардан очиқ қаршилик ва зўрлик ишлатиш йўлига ўтдилар. 80-йилларнинг охиридаёт улар ҳанафий мазҳабга мансуб мусулмонлар масжидларини зўрлик билан тортиб ола бошладилар. Бундай ҳоллар Андижон, Наманган, Марғилон, Қўқон, Тошкент шаҳарларида юз берди. Баъзи жойларда эса давлат корхоналари ва муассасалари жойлашган бино ва ҳудудларни ҳам тўлалигича ёки қисман эгаллаб олдилар. Масалан, Андижон шаҳрида улар Адабиёт музейи биноси ва ҳудудини тўлалигича, тикувчилик фабрикаси биноси ва ҳудудининг бир қисмини олиб қўйдилар. Бундай зўра-

вонликлар бошқа ҳудудларда ҳам юз берди. Лекин ўша шашар ва туманлар раҳбарлари бу ҳодисаларга тегишли баҳо бермадилар. Оқибатда ақидапарастлар авжга мина бошладилар.

Ўзбекистонга кириб кела бошлаган дастлабки даврларда ўзларини диннинг соғлиги учун курашувчилар қилиб кўрсатган ақидапарастларниң ҳақиқий башараси энди кўрина бошлади. Улар ўз томонларига анча одамларни оғдириб олгач, диннинг соғлиги учун кураш уларнинг эсидан чиқиб, энди асл мақсадларини намойиш эта бошладилар. Улар ҳокимият ишларига аралашиш, бир қатор ҳудудларда эса ҳокимиятни қўлга олиш учун ҳаракат бошладилар.

1991 йил декабрида ақидапараст гуруҳлар Наманган шаҳрида собиқ вилоят партия қўмитасининг биносини зўрлик билан эгаллаб олдилар. Улар бу бинода «Ислом маркази» тузмоқчи бўлдилар. Исломий ақидапарастлар маъмурйидоралар жиноятчиликка қарши курашда ожизлик қиласдилар, деган баҳона билан вилоят ҳудудида «тартиб» ўрнатишга киришдилар. Аслида, улар ўрнатмоқчи бўлган тартиб дунёвий тартиб-қоидалар бўлмай, ақидапарастлик тартиблари эди. Агар улар ўз мақсадларига етганда, жамиятда қандай «тартиблар» ўрнатилишини англаш учун узоққа бормай, қўший Афғонистонга, у ерда ақидапараст толиблар ўрнатган тузумга бир назар ташлаш кифоя. Лекин у пайтда толиблар ҳали сиёсий майдонга чиқиб улгурмаган эди. Наманганда эса толиблардан анча олдин шариат судлари ўтказиш, жамиятда фақат исломий тартибларни ўрнатиш учун маҳаллий ақидапарастлар ҳаракат бошлаган эди.

Белгилаб олинган мақсадга әришиш учун фақат оғзаки тарғибот олиб борилмай, ташкилий ишларни бажаришга ҳам киришилди. «Адолат» ва «Ислом лашкарлари» гуруҳлари тузилди. Бу гуруҳлар бир қатор тадбирларни амалга ошириб, аҳоли кўз ўнгидаги обрўларини оширишга эришдилар. Жумладан, улар маълум идораларда ишлайдиган 1—2 порахўрни фош қилишда, савдо тизимидағи камёб молларни яшириб сотиш, белгиланган нархлар устига қўшимча нарх қўйиб сотиш каби иллатларни очишда қатнашиб, соддадил одамлар ҳурматига сазовор бўлдилар ҳам. Баъзи қишлоқларда «Адолат» ва «Ислом лашкарлари» аъзолари жамоа хўжалиги ерларини одамларга бўлиб бериб, ўзларини халқпарвар қилиб кўрсатмоқчи бўлдилар. Худди шундай мақсадда бир неча бузук эркак ва аёллар ҳам фош этилди. Аслида, улар фош этган иллатларнинг барчаси шўролар тузумидан қолған меб

рос эди. У тузум деҳқонларнинг ерға эгалик қилиши у ёқда турсин, ҳатто, ерни ижарага олишга йўл қўймас, савдо тизимида қингир ишлар кўпайган, маъмурий идораларда ҳам қофозбозлик, тўрачилик, порахўрлик каби иллатлар оз эмасди. Жиноятчилик авж олиб кетган эди. Шундай вазиятдан усталик билан фойдаланган ақидапарастлар ўзларини халқ ғамини ейдинган, порахўрлик ва жиноятчиликка қарши беаёв курашадиган одамлар қилиб кўрсатмоқчи бўлдилар.

Аслида, «Адолат» ҳам, «Ислом лашкарлари» ҳам жиноятчиликка қарши эмас, балки, айнан жиноятчи гуруҳлар эди. Чунки уларнинг ишлари бориб турган қонунбузарлик эди. Уларга суроштирув-тергов ишлари олиб бориш, одамларни жазолаш ва ерларни бўлиб беришга ҳеч ким ваколат бермаган эди. Лекин бу ҳолатни тушуниш учун одамларда ҳали нафақат ҳуқуқий ва сиёсий, балки диний онг ҳам етарли эмас эди.

Ўша пайтларда Ўзбекистон мустақилликни қўлга киритганига эндиғина бир неча ой бўлган эди. Табиийки, бундай қисқа вақт ичиде жиноятчиликни, порахўрликни тугатиб бўлмас, савдо тизими ва маъмурий идораларда ҳам ҳали етарли тартиб ўрнатилмаган эди. Шундай оғир шароитда ақидапарастларнинг мақсади ҳақиқатан ҳам жиноятчиликка қарши кураш бўлса, улар прокуратура, ички ишлар органларига ёрдам кўрсатишлари керак эди. Улар эса асосий фаолиятларини шу идораларга қарши қаратдилар. 1991 йил охирида улар Намангандаги вилоят прокуратураси биносини қуршаб олдилар. Бу ҳаракат жиноятчиликка қарши кураш мақсадида эмас, жиноятчиларни жазодан қутултириш мақсадида қилинган эди. Бинони қуршаб олганлар устидан жиноий иш қўзғатилган шерикларининг тергов ҳужжатларини йўқ қилмоқчи эдилар.

Ақидапарастлар ўз ақидаларинигина тан олиб, бошқа барча оқим ва мазҳабларни инкор қиласар эканлар, ўзлари тутган йўл ҳақиқатан ҳам тўғри эканини баҳс ва мунозара орқали исботлаш йўлини эмас, зўравонлик ва тазийқ ўтказиш усулини танладилар. Шу ҳол уларнинг эътиқоди ҳам амалиёти ҳам ислом динига тўғри келмаслигини кўрсатади.

Зўравонлик йўлини фақат оддий ақидапарастлар эмас, уларнинг имомлари ҳам маъқуллайдилар. Чортоқ туманидаги масжидлардан бирида имом бўлиб ишлаган Абдували Йўлдошев куппа-кундуз куни Намангандаги шоҳ бекати олдида икки милиция ходимини отиб ўлдиради. Ақидапарастларнинг

имоми одам үлдириб турса, унинг издошлари нима қилишини кўз олдига келтириш қийин эмас.

Тергов ва суд жараёнида маълум бўлишича, Абдували Йўлдошев масжида имом бўлиш билан бир пайтда, уюшган қуролли жиноятчи гуруҳга бошлилик ҳам қилган. У масжида одамларни инсоф, диёнатга чақирса, намоздан кейин ўз орқасида намоз ўқиган одамларнинг уйига талон-торож ва босқинчилик қилиш учун кирган. Атрофига бир неча калласарларни тўплаган бу ақидапараст имом бир қанча оғир жиноятлар содир этган ва бир неча бегуноҳ одамнинг ҳаётига зомин бўлган.

Поданинг ичида оласи ҳам бўлади, деганларидаи, баъзи одамлар А. Йўлдошев ва унинг атрофидагилар ақидапарастлар орасидан тасодифан чиқиб қолган, дейишлари мумкин. Гап шундаки, бу тасодифий ёки ягона ҳол эмас. Фақат Намангандар вилоятининг ўзида бир эмас, ўнлаб жиноятларнинг содир этилиши ақидапарастлар орасидаги жиноятчилар тасодифий ҳол эмас, балки шу оқимнинг моҳияти билан боғлиқлигини кўрсатади. Юқоридаги мисоллардан кўриниб турганидай, жиноий ҳаракатларнинг асосий йўналиши ички ишлар, прокуратура ва бошқа маъмурий идоралар, яъни ҳокимиёт вакилларига қарши қаратилган эди. Вилоят ҳокимиининг муовини Э. Маматқуловнинг ақидапарастлар томонидан ёвувларча үлдирилиши ҳам шу фикрни тасдиқлайди.

Ақидапарастлар фақат Намангандагина томир отмадилар. Улар мамлакатимизнинг бошқа вилоятлари, шаҳар ва туманларида ҳам ўрнашиб, оғир жиноятлар содир этдилар.

Фарғона шаҳрида яшовчи М. Қодиров ва О. Ҳайдаров, Марғилон шаҳридан Ш. Зокиров, Ф. Усмонов, М. Акрамов, А. Мадумаров, У. Юсупов, Н. Исоқхўжаев сингари ақидапараст кимсалар хонадонларидан қўпорувчилик руҳидаги кўпладаб адабиётлар топилган. Улар экстремистик фаолиятга ёшлиарни, олий ўқув юртлари талабаларини жалб этишга ҳарарат қилишган.

«Акромийлар» деб аталган яна бир диний ақидапараст оқимга мансуб қўлонлик Э. Алимовнинг уйидан портловчи моддалар, Т. Алимовницидан эса жанговар граната топилиши ҳам бу оқимнинг мақсад ва ҳаракат усулларидан гувоҳлик беради. Шу оқимга мансуб М. Йўлдошеванинг уйидан Калашников русумидаги жанговар автомат ва тўппончанинг жанговар ўқ-дорилар билан топилиши ақидапарастлик табиат меҳрибон ва мушфиқ қилиб яратган аёлларни ҳам жангага

рилик, құпорувчилик йўлига ўтказиб юборишини күрсатади. Тошкент шаҳри ва вилоятида, мамлакатимизнинг бошқа ҳудудларида ҳам юқоридагига ўхшаш ҳодисаларнинг аниқлашиши, ниҳоят, 1999 йил 16 февраляда юз берган воқеалар диний ақидапарастларнинг ҳақиқий мақсади у ёки бу экстремистик оқимни тарғиб қилиш йўли билан конституциявий тузумга зарба бериш ва ҳокимият тепасига келиш эканини күрсатади. Бу мақсадга эришиш йўлларида диний оқимлар улар учун восита ва ниқоб вазифасини бажарган, холос.

МАЊНАВИЯТ ҚУШАНДАСИ

Мустақилликни қўлга киритганимиз 1991 йилда шўролар даврида шарти кетиб, парти қолган корхона ва хўжаликлар, чуқур иқтисодий таназзул бизга мерос бўлиб қолди. Бундай шароитда бор кучни иқтисодиётни тиклаш, одамларни қашшоқлашишдан сақлашга сафарбар қалиш табиий ҳол эди. Чуқур ўйлаб тузилган ислоҳотлар режаси амалга оширилар экан, бу вазифалар уддаланишидан ташқари, иқтисодиётнинг, аҳоли даромадларининг ортиш жараёни бошланди.

Аммо энди одамларни шўролардан қолган яна бир мерос — мањнавий қашшоқлик ва мањнавий қашшоқлашишдан муҳофаза қилиш лозим эди. Истиқлолимизнинг дастлабки йилларида ижтимоий муҳофаза деганда фақат аҳолини иқтисодий жиҳатдан муҳофазалашни тушундик ва шу тушунчага кўникиб қўлдик. Ижтимоий муҳофазанинг иккинчи томони мањнавий муҳофаза эканини ҳисобга ололмадик. Холбукни, мањнавий қашшоқлик иқтисодий қашшоқлийдан ҳам даҳшатлироқдир.

Аҳолининг мањнавий қашшоқлашуви шўро тузумининг меваларидан бири эди. Бу тузумда аҳолининг саводхонлиги, олий ва ўрта маълумотлилар сони каби рақамлар анча катта кўринса ҳам, улар ортида мањнавий қашшоқлик яшириниб ётарди. Чунки, маълумотлилар сони кўп бўлгани билан, маълумот сифати ривожланган мамлакатлардағига солиштирганда анча паст ва, иккинчи томондан, миллий ўлкалар, жумладан, Ватанимиз Ўзбекистон тарихий илдизларидан узиб қўйилган, миллий мањнавият булоқлари беркитилган эди.

Шўро файласуфлари моддани бирламчи дейишдан ташқари, онгни нафақат иккиламчи дердилар, балки улар онг ва

маънавиятга иккинчи, учинчи даражали нарса сифатида қардилар.

Шўро атеистлари умуман динни, айниқса, ислом динини маданият, маънавият ривожига тўсқинлик қилишда айблардилар. Аслида эса, бу даҳрийларнинг оддий ва одатдаги уйдирмаси эди. Ислом дини кенг тарқалган миңтақаларда санъат, адабиёт, маданият ва маънавият юксак чўққиларга кўтарилигани исломнинг маънавият ривожига халақит берувчи эмас, уни юксакликка ундовчи куч эканидан далолат беради.

Навоий даврида юзлаб, минглаб шоирлар, адиллар бўлгани, Камолиддин Беҳзод сингари мусаввирлар, Юсуф Андижоний каби созандо-ю хонандалар ижод қилгани; меъморчилик ва ҳунармандчилик, амалий санъат юқори чўққига кўтарилигани исломнинг бадиий-эстетик ижод учун кенг имкониятлар яратишини кўрсатади. Ислом динини гўё тасвирий санъатга душман қилиб кўрсатувчи атеистлар қўлидаги асосий далил эса бу диннинг одамлар ва жониворлар тасвирини ман қилувчи қоидалари эди. Бу қоидаларни атеистлар XX асрнинг 80-йилларида ҳам рўкач қилиб, ундан динни «фош» қилишда фойдаландилар. Лекин XIX асрнинг охириларида бир қатор ислом мамлакатларида мужтаҳид уламолар тўпланишиб, исломда жониворлар ва одам тасвирини ман қилиш илк ислом замонида одамларни ўтпарамастлик, бутпарастлик каби динлардан қайтариш мақсадида киритилгани баён этилган фатволар чиқаришганди. Бу фатволарда янги шароитда, яъни XIX аср охирида мусулмонларнинг бутпарастлик, ўтпарамастлик, мажусийликка ўтиш, хавфи кам бўлгани учун тасвирий санъат билан шуғулланиш мумкинлиги баён қилинган.

Бундан ташқари, Имом Бухорийнинг «Жомеъ ас-Саҳиҳ» китобларида келтирилган Мұхаммад САВ нинг саҳиҳ ҳадисларидан бирида баён қилинишича, Биби Хадича хоналардан бирининг деразасига жонивор расми туширилган парда тутган эканлар. Пайғамбар шу хонада намоз ўқишдан олдин ўша пардани олиб қўйишни буюрган экан. Биби Хадича пардани олиб ундан ёстиққа жилд тикибди. Пайғамбар бу ишни маъқуллаган эканлар. Шу ҳадисдан кўринишича, ислом дини жонивор ва одамлар расмини чизишни мутлақо ман қилмаган, балки бу тасвиirlар маълум жойларда осиб қўйилишини таъқиқлаган.

XX асрда эса ислом ҳукмрон бўлган мамлакатларда нафақат тасвирий санъат, балки кино санъати ҳам тез ривож-

лана бошлади. Масалан, Миср дунёда фақат кино санъати эмас, кино саноати ҳам энг ривожланган мамлакатлар қато-рига чиқиб олди. XX асрнинг сўнгги ўн йиллигида бу мамла-катда Муҳаммад САВ ҳаёти ва фаолиятига бағишланган кўп серияли фильм ишланди. Бу фильмни суратга олиш учун дунё-да энг обрўли ислом ташкилотлари фатво бердилар. Мазкур фильм нафақат Шарқ мамлакатларида, балки Фарб мамла-катларида ҳам муваффақият билан намойиш қилинди.

Соғлом фикрловчи ислом уламолари санъат ва адабиёт, радио ва телевидение ислом қоидаларига зид эмаслигини ис-ботлаб турганлари пайтда, ақидапараст гуруҳлар уларни ман қилишга уринмоқдалар. Бундай кучлар ҳокимият тепасига келган жойларда университетлар, театрлар, кинотеатрлар ёпилмоқда, радио ва телевидение ман қилинмоқда. У ерлар-да, ҳатто, суратхоналар ҳам ёпиб қўйилмоқда.

Ақидапараст уламолар телевизорни «шайтон қутиси», деб эълон қилмоқдалар. Уларнинг айтишича, шайтон одамларни йўлдан уриш учун шундай қутини ихтиро қилган эмиш. Фу-қароларга буни тушунтириш учун одамлар гавжум бўлади-ган жойларда дорлар ясалиб, уларга телевизор, видеомагни-тофон ва видеокассеталар «осилди».

Баъзи мамлакатлардаги ақидапараст уламолар санъат ва, умуман, суратларга қарши кўрашга шунчалик киришиб кетдиларки, улар аёлларга гуллик кўйлак кийишини ҳам ман қилдилар. Қизиги шундаки, ўзларини шариатнинг ашаддий ҳимоячилари, деб эълон қилган ақидапарастлар аёлларга гуллик кўйлак кийишини ман қилдилар-у, лекин улар ҳукмрон бўлиб олган баъзи мамлакатларда шариатда қатъий ман этилган кўкнор, қорадорини, улардан олинадиган геройнни таъқиқлаш у ёқда турсин, уларни ишлаб чиқариш учун кенг йўл очиб бердилар. Қорадори этиштирувчи деҳқонлар ер со-лифи ва даромад солиғини вақтида тўлаб турсалар, бас. Оқи-батда, ҳозир, экспертларнинг фикрига кўра, дунё бўйича оли-надиган қорадори ва геройннинг ярмидан ортифи ақидапа-растлар ҳукмрон бўлган мамлакатларда этиштирилмоқда. Ақидапарастлар, телевизор мусулмонларнинг хаёлини бу-зади, деб уни ман қилганлари ҳолда, одамнинг хаёлини бузиш у ёқда турсин, бирйўла телба қилиб қўядиган қора-дори ва геройнга кенг йўл очиб бердилар.

Табиий равишда, нима учун ақидапарастлар маънавият-га қарши бу қадар қаттиқ кураш олиб борадилар? — деган

савол туғилади: Унга жавоб шуки, миясидан дунёвий, умуминсоний қадриятлар мутлақо чиқарып ташланган, уларнинг ўрнига фақат ақидапарастлик ғоялари қўйилган инсонлар маънавий люмпенларга айланадилар. Маънавий жиҳатдан қашшоқ бу одамлар эса жамиятда нотинчлик, беқарорлик келтириб чиқарадилар. Ҳар қандай жамиятда ёкстремистик ва террористик кучлар, асосан, қашшоқларга таянади. Марксизм жамиятни турли силкинишларга гирифтор қилувчи йўқсил ва қашшоқларни ижтимоий тараққиётнинг асосий омили деб эълон қилди. Бу табиий ҳол эди. Жамиятни силкинишлар, инқилоблар орқали ўзгартеришни мақсад қилиб қўйган таълимот учун йўқсил ва қашшоқлардан бошқа таянч бўлиши мумкин эмас эди. Шунинг учун совет тузуми даврида озгина ери ва бир дона ҳўкизи бор деҳқонлар ҳам социализма душман унсурлар сифатида қулоқ қилинган эдилар. Агар Сталин даври марксистларининг қаричи билан ўлчанадиган бўлса, ҳозир Узбекистонда деҳқонларнинг 90 фоизини қулоқ деб эълон қилиш ва ўзга юртларга бадарға этиш керак. Хайриятки, тарих сталинчи инқилобчиларни ўз ахлатхонасига улоқтириб юборди.

Халқимизда, яланғоч сувдан қўрқмас, деган нақл бор. Ақидапарастлар одамларни маънавий қашшоқ ижрочилар зомбиларга айлантирмақчи эканлар, жамиятдаги соғлом кучлар маънавий қашшоқлар моддий қашшоқлардан хавфли эканини унутмасликлари керак.

Таажжубланарлиси ва ачинарлиси шундаки, ўзбеклар сингари улкан маънавий меросга эга бўлган халқ орасидан маънавий люмпенлар чиқиб қолмоқда. Буни фақатгина соғлом кучлар ҳушёрликни йўқотгани, беғамликка берилгани ва ақидапарастлар хуружига қарши уюшиб жавоб бермагани билан изоҳлаш мумкин.

Бозор муносабатларига ўтиш шароитида аҳолининг муайян қисми қашшоқланишининг олдини олиш учун мамлакатимизда ўтказилаётган кучли ижтимоий муҳофаза сиёсати ўзининг ижобий натижаларини бермоқда. Буни бизга дўст бўлган ва унчалик дўст бўлмаганлар ҳам эътироф этмоқдалар.

Кейинги йилларда диний ақидапарастликнинг жонланиши, чет элдаги ақидапараст ёкстремистик кучларнинг мамлакатимизга таъсир ўтказишга уринишлари аҳолининг муайян қатламлари, айниқса, ёшларни маънавий жиҳатдан ҳам муҳофаза қилиш зарурлигини кўрсатмоқда. Маънавий муҳофаза

занинг моддий муҳофазадан фарқли томони шундаки, ёшлар онгида бўшлиқ пайдо бўлишига йўл қўймаслигимиз, уни ҳаётбахш маънавий меросимиз, миллий ва умуминсоний қадриятлар билан бойитиб боришимиз керак. Президентимизнинг жаҳолатга қарши фақат маърифат билан курашиш лозимлиги ҳақидаги пурмаъно иборалари негизида худди шумазмун ётади. Агар ёшлар онгида бой меросимиздаги инсонпарварлик, ватанпарварлик ғояларини сингдира олсак, уларда ақидапарастликка қарши иммунитет ҳосил бўлади. Шунда уларни ақидапарастликдан ҳимоя қилишга эҳтиёж қолмайди. Шунда улар ўзлари экстремизм, терроризм ва ақидапарастликнинг ҳар қандай кўринишига қарши кураш олиб борадилар.

Келтирилган мисоллар кўпроқ атрофимиздаги яқин ва узоқ қўшниларимиз ҳаётидан олингани учун, бизнинг мамлакатимизга ақидапарастлик тарихда ҳеч қандай заарар келтирмаган экан, деган тасаввур ҳосил бўлиши мумкин. Бунинг устига, илмий адабиётларда, газета ва журналларда, диний ақидапарастлик Ўзбекистонга асримизнинг 70—80-йилларидан кириб келган, деган фикрлар баён қилинмоқда. Бизнинг тадқиқотларимиз бу фикрнинг унчалик тўғри эмаслигини, ақидапарастлик бизнинг юртимизга ўтган асрниңг ўрталаридан кириб кела бошлаганини кўрсатмоқда. Бу жараён алоҳида суҳбат мавзуи. Биз қўлингиздаги мақолада ақидапарастлар ўтган аср охири ва XX аср бошларида юртимиз маънавияти ва маданиятига тўғаноқ бўлиш учун қанчалик уринганларини кўрсатадиган бир неча мисол келтироқчимиз.

XIX аср ўрталаридан Ҳиндистон орқали савдо гарлар, зиёратчилар воситасида, кейинроқ у ерда чиқадиган газета-журналлар билан Туркистонга ёйила бошлаган ақидапарастлик аср охирига келиб маҳаллий уламолар орасида етакчи үринни эгаллай бошлади. Шу туфайли ўша даврларда уламолар бир қатор фатволар чиқардиларки, улар илм-фан, маданият ва маънавият ривожига мутлақо зид эди. Жумладан, XX аср бошларида Тошкент, кейинчалик Самарқанд, Кўқон, Бухоро муфтийлари маҳсус фатво чиқариб, болаларини янги усулдаги жадид мактабларига ўқишга берган кишиларни «кофир» деб эълон қилдилар. Худди шу фатволарда газета ўқиганлар ҳам «кофир» деб эълон қилинди. Иш шу даражага бориб етдики, яктақка тугма қадаганлар, «Зингер» машинасида тикилган кийимни кийганлар ҳам «кофир» деб эълон қилинди. Ҳаттоқи, картошка, помидор сингари Оврупо орқали

келтирилган маҳсулотларни истеъмол қилганлар ҳам коғирга чиқариб қўйилди. Бу таомларни диний мутаассиблик туфайли истеъмол қилмайдиганлар бундан 30—40 йил олдин ҳам, аҳён-аҳёнда бўлса-да, учраб турарди.

Диний ақидапарастлар ўзбек халқининг мусиқага, қўшиқка бўлган муҳаббатини йўқ қилишга кўзлари етмагач, бошқача сиёsat тутдилар. Улар энди мусиқачилар, хонандалар ва раққосаларни паст тойфадаги одамлар, деб эълон қилдилар. Ўзбекистонда эркаклар рақсларининг ҳанузгача яхши ривожланмагани, эркаклар рақс гурухларининг, деярли, йўқлиги, баъзи фуқароларимиз эркаклар рақсларига ҳозир ҳам бошқача кўз билан қараётганликлари ўша пайтда авж олган диний ақидапарастликнинг узоқ акс-садосидир.

Ақидапарастларнинг адабиёт, санъат ва маънавиятга душманлик кўзи билан қараганликларини совет даврида барча диндорларга нисбат берилди. Оқибатда, санъат ва маънавиятга ақидапарастлар эмас, барча диндорлар душман қилиб кўрсатилди. Бу ҳол совет даврида яратилган қатор санъат асарларида ўз ифодасини топди. Бундай асарлар шеърият ва насрда, тасвирий санъат ва мусиқада, кинода, театрда ва бошқа тур санъатларнинг, деярли, барчасида учрайди. Масалан, «Нурхон» драмасидаги санъатни севган ва санъат йўлида қурбон бўлган Нурхон фожиаси ўқувчи томонидан ҳам, томошибин томонидан ҳам ислом дини туфайли юз берган фожиа сифатида қабул қилингган. Аслида эса, Нурхоннинг қотил акаси ва унинг атрофидагилар оддий диндор мусулмонлар эмас, ақидапарастлар эдилар. Гарчанд бу фикр драмада ҳам, спектаклда ҳам ифода қилинмаган эса-да, у тарихий ҳақиқатга мосдир.

Ақидапарастларнинг адабиётга, санъатга, маънавиятга қарши қилиб келаётган хуружларидан кўзлаган асосий мақсадлари халқимизни асрлар давомида яратган улкан маданий меросидан узиб қўйишdir. Тарих гувоҳлик беришича, юртимизга бостириб келган истилочиларнинг ҳаммаси, шу жумладан, рус чоризми ҳам, халқимизни тарихий илдиэдан узиб олишга ҳаракат қилган эди. Кўриниб турибдики, ақидапарастларнинг мақсадлари босқинчиларнинг мақсадлари билан бир жойдан чиқмоқда. Чунки уларнинг ҳар иккиси ҳам халқни маънавиятдан ажратмай туриб ўз қулларига айлантира олмасликларини тушунган эдилар.

Мамлакатимизда маданият ва маънавиятга жуда катта аҳамият берилмоқда. Халқимиз қўлга киритаётган ютуқлар тўғрисида гапирав эканмиз, кўпроқ саноатни, иқтисодни ри-

вожлантириш соҳасидаги ўсишларни тилга оламиз. Маънавият соҳасида қўлга қиритган ютуқлар, тарихимизни тиклаш, мамлакатимиз таълим тизимини жаҳон андозалари даражасига олиб чиқишидаги; фан, маориф, спорт соҳасидаги муваффақиятлар тўғрисида камроқ фикр юритилади. Президент И. Каримовнинг асарларида, нутқ ва мақолаларида, хусусан, «Ўзбекистон XXI асрга интилоқда» деб номланган китобларида ёшларнинг онгидаги бўшлиқ пайдо бўлишига йўл қўймаслик тўғрисида вазифа қўйилар экан, уни амалга ошириш учун бой маънавий меросимиз қуёш сингари баъзи ёшлар онгидаги қоронги бўшлиқни ёритишига эришишимиз лозим. Қора кучлар қуёш нуридан чекинганлари каби, ақидапарастлар ҳам бой маънавий меросимизнинг ҳаётбахш кучига дош бера олмайдилар.

АҚИДАПАРАСТЛИК ВА МАФҚУРА

Инсон ва жамият маънавий ҳаётида мафкура ўзига хос ўрин тутади. Бу ҳодисанинг кучи, қудрати шундаки, у одамларни бириктириши ёки айириб ташлаши, бунёдкорликка отлантириши ёки қирғинбаротга гирифторм қилиши, ёрқин кайфият бағишлаб руҳлантириши ёки зимистон қаърига отгандек тушкунликка учратиши мумкин. Шу сабабли ҳам жамият ҳаётини тушуниш ва ўрганиш учун бу ҳодисани атрофлича таҳлил этиш керак.

Президент И. Каримовнинг кўплаб мақола ва рисолаларида мафкура масаласига алоҳида эътибор қаратилган. Ана шу асарлардаги фикр ва холосалардан келиб чиқиб, мафкуранинг кўп жиҳатларини, жумладан, ақпда ва ақидапарастлик билан муносабатини таҳлил қилиш мумкин.

Ҳар қандай мафкура миллат ёки гурӯҳнинг жамиятдаги ўз ўрни, атрофдаги миллатлар ва халқларга муносабати, орзу-умидлари, мақсад, эътиқодлари, тасаввурлари, тарихга ва келажакка муносабатларидан иборат. Бу ҳодисалар мажмумини қисқа қилиб, ўзликни англаш, дейиш мумкин. Ҳар қандай таърифда бўлгани каби, бу таърифда ҳам ифодала наётган ҳодиса — мафкуранинг барча хусусиятлари тўла қамраб олинмаган. Чунки мафкура жуда мураккаб ижтимоий ҳодиса бўлиб, унинг барча қирраларини қисқа бир таърифда тўла ифодалаш мумкин эмас.

И. Каримовнинг «Тафаккур» журналидаги сұхбатида ана шундай серқирра, ўзгарувчан, ўта мураккаб ҳодиса бўлмиш мафкурани англаш ва тушуниш учун зарур ёндошувлар кўр-

сатиб берилган. Сұхбатда мағкуранинг беш асосий хусусияти санаб ўтилар экан, унинг мұхим жиҳатларидан бұлган міллатни, жамиятни бирлаштира ойиш қобилятига алоқида урғу берилади: «...жамиятмизда бугун мавжуд бұлган хилмалык фикрлар ва ғоялар, әркін қарашлардан, ҳар қандай тоифалар ва гурухларнинг интилишлари ва умидларидан, ҳар қандай инсоннинг әзтиқоди ва дүнёқарашидан қатъй назар, уларнинг барчасини ягона міллій байроқ остида бирлаштирадиган, халқымыз ва давлатимизнинг дахлсизлигини асрайдиган, әл-юртимизни әнг буюк мақсадлар сари чорлайдиган ягона ғоя — мағкура бўлиши керак».

Сұхбатдан келтирилган мана шу парчада мағкуранинг міллат ва жамият ҳаётида нақадар мұхим аҳамият касб этиши лозимлиги күрсатиб берилган: **у міллатни ва жамиятни ягона ғоя атрофида бирлаштириши керак**.

И. Каримов таъкидлаган мағкуранинг ана шу биргина хусусиятини тұла таҳлил қилиш учун ҳам құплаб мақола ва риссолалар ёзиш керак. Ушбу мақолада эса биз мағкуранинг шу жиҳати намоён бўлишига халақит берадиган баъзی ҳодисалар, хусусан, ақида ва ақидапарастлик түғрисида баъзи кузатишларимизни ифодаламоқчимиз.

Ақида билан мағкура ўртасидаги тафовут ва қарама-қаршиликни билиш учун, аввало, улар ўртасидаги умумийликни аниқлаш керак.

«Ақида» сўзи аксар одамларда салбийроқ муносабат уйғотса да, аслида у ижобий ҳодисаларни ҳам ифодалаши мүмкін. Күндалик ҳаётда мустахкам ўрин олған қоидалар ҳам, одатда, «ақида» деб юритилади. Улар, табиийки, турмуш синовидан ўтиб, ҳаёт тамойилларига мос бўлади. Шунинг учун улар қишилар ҳаётида ижобий рол ўйнайдилар. Лекин фанда, назарий соҳада қоиданинг ақидага айланиши фақат фикрнинг эмас, ҳаракат тамойилларининг ҳам қотиб қолишига олиб келади. Бу эса фойдадан кўра кўпроқ зиён келтиради. Ақидапарастлик, яъни қотиб қолган қоиданинг мутлақлаштирилиши эса фақат зарар эмас, кўп кулфатлар келтириши ҳам мүмкін. Фан тарихи ҳам, дин тарихи ҳам шундан далолат беради.

Чунки ҳар қандай тафовутнинг иккинчи тарафи — умумийликдир. Бу икки ҳодиса ўртасидаги умумийлик эса шундан иборатки, уларнинг ҳар иккаласи ҳам ғоялар мажмуудан иборат. Ҳар қандай ақида негизида ҳам ғоя мавжуд. Мағкурада эса ғоялар жамланган. Лекин шунинг билан ақида ва мағкура ўртасидаги умумийлик тугайди. Мағ-

курадан фарқли ўлароқ, ақида — мутлақ ҳақиқат сифатида муайян гурух томонидан эътироф этиладиган ва тарғиб қилинадиган ғоя. У ривожланмайдиган, ўзгармайдиган ғоядир. Мафкура эса ўзгариб, ривожланиб, бойиб борадиган ғоялар йиғиндицидир.

Миллий мафкурани улкан бир дарахтга ўхшатсак, унинг илдизлари тарихга, қадимиятга кетгани, танаси ҳозирги кунда, меваси эса келажакда эканини кўрамиз.

Ақидапарастлик кишилар ҳаётида ортиқча зўриқиши, фожналар ва ларзаларга сабаб бўлиш билан бирга, маънавий, мафкуравий ҳаётда инқирозга, турғунликка олиб келиши мумкин. Юқорида мафкурани улкан дарахтга қиёс қилган эдик. Шу ташбиҳни давом эттириб, ақидаларни ям-яшил дарахтнинг қуриган шохлари, дейиш мумкин. Бу қуриган шохлар яшил дарахтнинг кўркини бузибгина қолмай, унинг янада камол топишига халақит беради.

Мафкура доимо ривожланиш, такомиллашиш жараёнидадир. Чунки жамият ҳаёти доимо ўзгариш, ривожланиш, боийиш, юксалиш; бальзан турғунлик ва инқироз ҳолатида бўлади. Шу ўзгариш ва ривожланиш мафкурада ҳам ўз аксини топади. Шундай бўлмаса, мафкура қотиб қолади, ақидага айланади, демакки, кишилар ҳаётига тўсқинлик қила бошлиди.

Мафкурани жараён сифатида талқин этар эканмиз, бу жараённинг кечиш мурватлари қандай деган савол кўндаланг бўлади, яъни ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришлар, янгиликлар мафкурада акс этар экан, бу инъикос қандай кечади? Мафкура кўзгу эмаски, ҳаётдаги янгиликларни ўз-ўзидан меҳаник тарзда акс эттирса. Аёллар қўлидаги кўзгу хира тортса, бир «ҳуҳ» лаб артишади ва у яна равшанлашади. Мафкура хиралашса, ҳар қанча «ҳуҳлаган» билан фойда бермайди.

Мафкуранинг равшанлиги жамиятдаги зиёлилар, айниқса, жамиятшунос олимларнинг фаоллигига боғлиқ. Болари минглаб гуллардан мисқоллаб бол келтиргани каби, жамиятшунос олимлар жамиятда юз берадиган ҳодисаларни чуқур тадқиқ қилиб, уларнинг мафкурада тегишли миқёсда ва тарзда акс этишига ёрдам берадилар. Мафкуранинг яхлитлигини, жозибадорлигини таъминлашда сиёсатчилар, айниқса, сиёсий лидерларнинг ўрни бекиёсдир. Бунга тарихдан кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Муқанна қўзғолони ёки сарбадорлар ҳаракати, Дукчи Эшон исёни ёки жадидлар фаолияти ва бошқа кўплаб ҳаракат ҳамда оқимлар шундан гувоҳлик беради.

Тарихий таҳлил сиёсий лидерлар ҳалқнинг, ижтимоий гуруҳларнинг манфаатларини, мақсадларини, шу манфаат ва мақсадлар акс этган мағкурани қай даражада тўла ва чуқур англаганликларига қараб, ҳалқ ҳаётида чуқур ёки юзаки из қолдиришларини кўрсатади. Агар улар ҳалқ ёни ҳаракат мағкурасини кенг қамровда ва теран англасалар, ҳалқ тарихида шундай арбоблар бўладики, улар мағкуранинг зарурлигини англабгина қолмасдан, уни ривожлантириш, янгилаш, бойитиш йўлларини ҳам белгилай оладилар. Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов, шубҳасиз, ана шундай лидерларданdir.

И. А. Каримовнинг кўплаб мақола ва рисолаларида миллий мағкура масаласига катта эътибор берилган. Хусусан, «Ўзбекистон XXI аср бўсағасида: хавфсизликка таҳдид, барқарорлик шартлари ва тараққиёт кафолатлари» китобида мағкура масалаларига алоҳида эътибор қаратилган бўлса, Президентимизнинг «Тафаккур» журнали бош муҳаррири саволларига берган жавоблари тўлалигича миллий мағкура масалаларига бағишлиланган. Бу жавоблардан кўринадики, И. Каримов миллий мағкура моҳиятини теран англабгина қолмасдан, унинг истиқболдаги ривожи ва бойиб борищ йўлларини ҳам кўра олган сиёсий раҳбардир. Ўзбек ҳалқининг омадли ҳалқ экани шунда ҳам кўринадики, унинг юртбошиси теран иқтисодчи, моҳир ташкилотчи бўлиш билан бир вақтда ижтимоий фанлар, маънавиятнинг йирик назариётчиси ҳамдир. Президентнинг «Тафаккур» журнали бош муҳаррири билан суҳбати фикримизга далилдир. Бу суҳбатнинг мазмунини, ундаги теран маъноларни чуқурроқ англаш учун у тўғрида ҳали кўплаб тадқиқотлар ўтказилади. Бу ўринда биз бир муҳим жиҳатга эътиборни тортмоқчимиз. И. Каримов ўз асарларида ва қайд этилган суҳбатда мағкуранинг тугал назариясини тап-тайёр қилиб бермайди. У бунга уринмайди ҳам. Қамтар инсон сифатида баён қилинган фикрлар ўзининг шахсий мулоҳазалари эканини бир неча марта таъкидлайди. Ваҳоланки, бу суҳбатда мағкуранинг етук назариясини яратиш йўллари кўрсатиб берилган. «...Менинг фикримча,— дейди И. Каримов,— мағкурани шакллантириш жараёнида, авваламбор, мамлакатнинг бугунги ҳаёти, ўтмиши, келажаги, бутун тақдирни учун қайғурадиган, Ватан қисматини ўз қисмати, деб биладиган кенг жамоатчиликнинг илғор дунё-қараш ва тафаккурига асосланиш лозим». Мана шу фикрда мағкура шаклланишидаги энг муҳим жиҳатлар чуқур очиб берилган.

М У И Д А Р И Ж А

Ақидапарастлик күрпинилари	3
Ақидапарастлик манбалари	6
XVIII асрда Ҳижоздаги ижтимоий-сийесий шарт-шароит	17
Мұхаммад ибн Абдулаххобнинг ҳаёти ва фаолияти	21
Диний ақидапарастликнинг Ўзбекистонга кириб келиши	27
Шуролар ва ақидапарастлик	33
Ақидапарастликми ёки ҳокимиятиарастлик?	40
Маънавият күшандаси	57
Ақидапарастлик ва мафкура	63

